Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 103 (7243). 29 май, 1980 йил ◆ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ОРБИТАЛ КОМПЛЕКС ИЧИДА

ТАСС ахбороти

1980 йил 27 май Москва вақти билан соат 22 дан 56 минут ўтганда «Союз-36» космик кемаси «Салют-6» — «Союз-35» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Туташтириш узели маҳкам беркилганлиги текшириб кўрилгандан кейин кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Валерий Кубасов билан тадқиқотчи-космонавт, Венгрия Халқ Республикасининг граждани Берталан Фаркашдан иборат экипаж «Салют-6» станциясига ўтди.

Ер атрофи космик фазосидаги кишн бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-35» — «Союз-36» илмий-тадқиқот комплекси ичида халқаро экипаж: космонавтлар Попов, Рюмин, Кубасов ва Фаркаш ўртоқлар ишлай бошладилар.

Халқаро экипажнинг Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси олимлари биргаликда ишлаб чиққан илмий программаси етти кунга мўлжалланган.

Атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни ўрганиш программасига мувофиқ космонавтлар илм-фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги манфаатлари йўлида Ер юзасини кузатишлари ва фотосуратга олишлари лозим.

Космик экипажнинг иш программасида медицина-биология тадқиқотлари ва экспериментларига катта ўрин берилган. Бу тадқиқот ва экспериментларни тайёрлашда венгер мутахассислари иштирок этганлар.

Халқаро экипаж социалистик мамлакатларнинг космонавтлари «Салют-6» станциясидаги учиш вақтида бошлаган тадқиқотлар ва экспериментларни ҳам давом эттиради.

Белгиланган ишлар бажариб бўлингач, космонавтлар Кубасов ва Фаркаш «Союз-35» кемасида Ерга қайтадилар. Бу кема космонавтлар Попов ва Рюминни 1980 йил 10 апрель куни станцияга олиб чиқиб қўйган эди.

Халқаро экипажнинг ҳамма аъзолари ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Салют-6» — «Союз-35» — «Союз-36» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Попов, Рюмин, Кубасов ва Фаркаш ўртоқлар учиш программасини бажаришга киришдилар.

СОВЕТ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 27 май куни Кремлда Яман социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош министри А. Н. Муҳаммадга Халқлар дўстлиги орденини топширди.

Мукофотни топшириш вақтида залда В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Жанубий Яман томонидан А. Н. Муҳаммадга ҳамроҳ бўлиб келган давлат арбоблари бор эди.

Ўртоқ **Л. И. Брежнев** мукофотни топшира туриб, бундай деди:

Азиз ўртоқлар!

Мен бугун Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри ўртоқ Али Носир Муҳаммадга Халқлар дўстлиги орденини топширишдан гоят мамнунман.

Ўртоқ Муҳаммад, Сизнинг миллий озодлик иши учун, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашдаги, Совет Иттифоқи билан Демократик Яман халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги катта хизматларингизни ватанимиз шу мукофот билан тақдирлайди.

Жанубий яманлик дўстларимизнинг миллий-демократик революция ғалабаларини мустаҳкамлашга, кишини-киши эксплуатация қилишдан ҳоли бўлган янги жамиятни Яман социалистик партияси раҳбарлигида планли равишда қуришни таъминлашга қаратилган куч-ғайратлари бизга яқин ва тушунарлидир. Зотан биз Сизга ана шу йўлда чин қалбдан муваффақиятлар тилаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни СССР билан Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани ола туриб чин қалбдан шуни айтмоқчиманки, бу — Яман социалистик партиясига, ҳукуматимиз ва халқимизга берилган мукофотдир.

Бу воқеа совет ва яман халқларининг самимий дўстлигини ифодалайди, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг яна ҳам кенгроқ истиқболларини кўрсатувчи тимсолдир.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз совет ўртоқларимиз!

Ер юзидаги халқлар учун дўстлик алоқаларидан кўра азизроқ нарса йўқ. Дўстлик — тинчлик ва осойишталик демакдир. Дўстлик уруш ва агрессия хавфини бартараф этади. Биз, Аданда ва Москвада дўстлик йўлини танлаб олганимиздан кейин яман ва совет халқлари ўртасидаги масофа қисқарди. Бунинг устига биз шу соҳада ажойиб намуна кўрсатдик. Образли қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир яманлик билан совет кишисининг кўксида дўстлигимизнинг, уни давом эттириш ва мустаҳкамлашга ўзаро интилишимизнинг рамзи бўлмиш мукофот бор.

Биз, демократик Ямандагилар шу дўстликнинг самараларини ҳис этиб, миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилмоқдамиз. Бу дўстлик совет халқи бизнинг халқимиз миллий мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, ижтимоий тараққиётга эришиш учун олиб борган курашида уни интернационалистларча қўллаб-қувватлашида мужассамлашди. Дўстлигимизнинг сиқасдлари адолатли, олижаноб мақсадлардир. Бу — империализмга қарши, дастлаб халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг асосий душмани бўлган Америка империализмига қарши биргаликда олиб борилаётган курашдаги дўстликдир.

Араб халқларининг ва даставвал Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбарлигидаги Фаластин халқининг Исроил оккупациясига қарши адолатли курашида ҳам, Ҳинд океанида ва Арабистон денгизида Америка империализмининг араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Африка Мугузи райони халқларига қарши, шунингдек социалистик Кубага қарши ва умуман жаҳон халқларининг озодлик ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги курашига қарши қаратилган интервогирликларига зарба беришда ҳам совет кишилари билан яманликлар ҳамма ишда ва ҳамишда дўстлик йўлидан, Улуғ Октябрь Социалистик революцияси эълон қилган ва инсоният тараққиети даврининг байроғи бўлиб қолган идеаллар учун курашда йўлидан бормоқдалар.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз совет ўртоқларимиз!

Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганликим туфайли яна бир бор астойдил миннатдорчилик ва мамнуният туйғусини изҳор этишимга ижозат берганингиз учун сизларга чин қалбимдан раҳмат айтаман.

Бу мукофот Совет-Яман дўстлиги йўлига, халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик душманларига қарши кураш йўлига бундан буён ҳам қатъий ва изчил амал қилиш учун менга янги куч-қувват бахш этади.

Пировардида дўст совет халқига бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ, улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият барпо этишда янги-янги муваффақиятлар тилашимга ижозат берганингиз.

Яшасин яман-совет дўстлиги!

Яшасин араб-совет дўстлиги!

Улуғ Октябрь Социалистик Революциясига шон-шарафлар!

Орденни топшириш вақтида ҳозир бўлган Совет Иттифоқи ва Яман Халқ Демократик Республикасининг давлат арбоблари А. Н. Муҳаммадни юксак мукофот билан самимий қутладилар.

(ТАСС).



Суратда: мукофотни топшириш пайти.

А. Пахомов фотоси. («Правда»).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВГА

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Янош КАДАРГА

Маълум қиламизки, «Салют-6» — «Союз-35» — «Союз-36» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг совет ва венгер космонавтларидан иборат халқаро экипажи биргаликдаги илмий-тадқиқот ва экспериментлар программасини бажаришга киришди.

Орбитал комплекс ичидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди.

Экипаж аъзоларининг кайфияти яхши.

Биз учиш программасини муваффақиятли амалга ошириш учун ўзимизнинг жами билим ва тажрибамизни ишга соламиз.

Совет ва венгер халқларининг, бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг дўстлиги яшасин ва мустаҳкамланаверсин!

«Салют-6» — «Союз-35» — «Союз-36» орбитал комплексининг экипажи

Л. ПОПОВ
В. РЮМИН
В. КУБАСОВ
Б. ФАРКАШ

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-35» — «СОЮЗ-36» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИГА КОСМОНАВТЛАР ПОПОВ, РЮМИН, КУБАСОВ ВА ФАРКАШГА!

Азиз ўртоқлар!

Сизларга орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги ишмуваффақиятли бошланиши билан самимий табриклар ва сидқидил қутловлар йўллаймиз.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикасининг халқлари сизларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатингизни эҳр этибор билан кузатиб туришибди, азиз дўстлар. Улар социалистик ҳамдўстлик халқаро экипажлари самарали фаолиятининг шонли анъаналарини муносиб давом эттиришингизга аминдирлар.

Ҳар бир янги халқаро космик парвоз амалга оширилиши билан космик фазони ўз халқларимиз бахт-саодати ва бутун инсоният манфаатларини кўзлаб, тинчлик мақсадларида ўзлаштириш соҳасидаги яхлит «Интеркосмос» программаси тобора асосли ва чуқур рўёбга чиқмоқда.

Азиз ўртоқлар, сизларнинг меҳнатингиз билан фундаментал тадқиқотларга, амалий проблемаларни ҳал этишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда, сизлар социализмнинг буюк илмий-техникавий потенциалини бутун дунёга намойиш этаяпсизлар. Космик фазога чиқарилган ва ўз ўтмишдошлари сингари тинч тадқиқотлар билан шуғулланаётган янги социалистик халқаро экипаж мамлакатларимизнинг халқлари келажакка комил ишонч билан қараётганликларини, тинчлик йўлидан изчил бораётганликларини инсониятга кўрсатиб турибди.

Сизлар орбитал лабораторияда ёнма-ён ишлаб, космосда қардошларча ҳамкорлик соҳасида қимматли тажриба орттираяпсизлар. Социалистик мамлакатлар бу ҳамкорликни ташкил этиш кашшофлари бўлдилар. Сизларнинг космик парвозингиз амалдаги интернационализмнинг ёркин намунасидир.

Азиз Попов, Рюмин, Кубасов ва Фаркаш ўртоқлар, сизлар ўз халқингизга бидирилган катта ишончни коммунистларга муносиб равишда оқлайсизлар, деб ишонч билдирамиз. Учишнинг мураккаб программасини муваффақиятли бажаришингизга ва жонажон ерга эсон-омон қайтиб тушишингизга тилакдошмиз.

Л. БРЕЖНЕВ. Я. КАДАР.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВГА

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Янош КАДАРГА

Азиз Леонид Ильич Брежнев ва Янош Кадар!

Самимий табриклар ва эзгу қутловлар учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Сизларни, қардош мамлакатларимизнинг партия ва давлат раҳбарларини ишонтириб айтамизки, биз, орбитал илмий тадқиқот комплекси халқаро экипажининг аъзолари илм-фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида социалистик мамлакатларнинг биргаликдаги программасида кўзда тутилган ва бизнинг зиммамизга юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишни қиламиз. Бизнинг интернационал экипажимиз мамлакатларимиз халқлари билдирган юксак ишончни шараф билан оқлаш учун бутун куч ва маҳоратини пшга солади.

«Салют-6» — «Союз-35» — «Союз-36» орбитал комплексининг экипажи

Л. ПОПОВ
В. РЮМИН
В. КУБАСОВ
Б. ФАРКАШ

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 27 май куни катта Кремль саройида Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош министри А. Н. Муҳаммад шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда А. Н. Муҳаммадга ҳамроҳ бўлиб келган Жанубий Яманнинг давлат арбоблари ҳам бор эдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам ўртоқ Али Носир Муҳаммад!

Азиз дўстлар!

Сизларни Москвада табриклаётганлигимдан астойдил хурсандман.

Совет Иттифоқи билан демократик Яман раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар ҳамиша мамлакатларимиз халқлари манфаатларига мос равишда ўтказилган самарали ва ўзаро тушунишга асосланган фикр алмашувлар бўлиб келганини изҳор этишимдан бениҳоя хурсандман. Мен шу юксак мукофотни ола туриб шуни айтмоқчиманки, бу — Яман социалистик партиясига, ҳукуматимиз ва халқимизга берилган мукофотдир.

Бу воқеа совет ва яман халқларининг самимий дўстлигини ифодалайди, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг яна ҳам кенгроқ истиқболларини кўрсатувчи тимсолдир.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз совет ўртоқларимиз!

Ер юзидаги халқлар учун дўстлик алоқаларидан кўра азизроқ нарса йўқ. Дўстлик — тинчлик ва осойишталик демакдир. Дўстлик уруш ва агрессия хавфини бартараф этади. Биз, Аданда ва Москвада дўстлик йўлини танлаб олганимиздан кейин яман ва совет халқлари ўртасидаги масофа қисқарди. Бунинг устига биз шу соҳада ажойиб намуна кўрсатдик. Образли қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир яманлик билан совет кишисининг кўксида дўстлигимизнинг, уни давом эттириш ва мустаҳкамлашга ўзаро интилишимизнинг рамзи бўлмиш мукофот бор.

Биз, демократик Ямандагилар шу дўстликнинг самараларини ҳис этиб, миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилмоқдамиз. Бу дўстлик совет халқи бизнинг халқимиз миллий мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, ижтимоий тараққиётга эришиш учун олиб борган курашида уни интернационалистларча қўллаб-қувватлашида мужассамлашди. Дўстлигимизнинг сиқасдлари адолатли, олижаноб мақсадлардир. Бу — империализмга қарши, дастлаб халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг асосий душмани бўлган Америка империализмига қарши биргаликда олиб борилаётган курашдаги дўстликдир.

Араб халқларининг ва даставвал Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбарлигидаги Фаластин халқининг Исроил оккупациясига қарши адолатли курашида ҳам, Ҳинд океанида ва Арабистон денгизида Америка империализмининг араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Африка Мугузи райони халқларига қарши, шунингдек социалистик Кубага қарши ва умуман жаҳон халқларининг озодлик ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги курашига қарши қаратилган интервогирликларига зарба беришда ҳам совет кишилари билан яманликлар ҳамма ишда ва ҳамишда дўстлик йўлидан, Улуғ Октябрь Социалистик революцияси эълон қилган ва инсоният тараққиети даврининг байроғи бўлиб қолган идеаллар учун курашда йўлидан бормоқдалар.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз совет ўртоқларимиз!

Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганликим туфайли яна бир бор астойдил миннатдорчилик ва мамнуният туйғусини изҳор этишимга ижозат берганингиз учун сизларга чин қалбимдан раҳмат айтаман.

Бу мукофот Совет-Яман дўстлиги йўлига, халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик душманларига қарши кураш йўлига бундан буён ҳам қатъий ва изчил амал қилиш учун менга янги куч-қувват бахш этади.

Пировардида дўст совет халқига бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ, улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият барпо этишда янги-янги муваффақиятлар тилашимга ижозат берганингиз учун.

Яшасин яман-совет дўстлиги!

Яшасин араб-совет дўстлиги!

Улуғ Октябрь Социалистик Революциясига шон-шарафлар!

Орденни топшириш вақтида ҳозир бўлган Совет Иттифоқи ва Яман Халқ Демократик Республикасининг давлат арбоблари А. Н. Муҳаммадни юксак мукофот билан самимий қутладилар.

Ангола ҳам ҳеч кимга ҳужум қилмаган эди. НАТО мамлакатлари ва уларнинг гумаштлари қуролланиб таъминлаган контрреволюционерлар ва ёлланган сотқинлар шайкалари Ангола революциясини тор-мор қилиш мақсадида унга ҳужум қилган эдилар. Ҳар иккала ҳолда ҳам реакциянинг қуролларини революцион халқлар даф этдилар, уларга тинчлик ва тараққиёт кучлари интернационалистик қардошлик ёрдамини кўрсатдилар.

Эндиликда империалистлар ва уларнинг гумаштлари Афғонистонга, биз билан қўшни бўлган мамлакатга нисбатан машъум ўйин қилмоқчи бўладилар. Совет Иттифоқи Афғонистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик шартномаси билан боғлангандир.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ-ЖАНУБИЙ ЯМАН МУЗОКАРАЛАРИ

28 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономаревнинг Яман социалистик партияси (ЯСП) Марказий Комитети Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош Министри Али Носир Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯСП Марказий Комитетининг секретари М. С. Мутний, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯСП Марказий Комитетининг секретари А. А. А Вали, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯСП Марказий Комитетининг секретари А. А. Баазиб, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ташқи ишлар министри С. С. Муҳаммад билан музокаралари тугади.

Сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги Совет—Жанубий Яман ҳамкорлигининг кўпгина масалалари, шунингдек халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемалари ҳусусидаги фикрлашувлар давом эттирилди. Иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

КПСС билан ЯСП ўртасидаги қардошлик муносабатлари руҳида ва дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномада мустаҳкамлаб берилган принципларга биноан томонлар партия ва давлат қурилиши тажрибасини ўртоқлашдилар, ўз олдиларида турган вазифалар тўғрисида гапириб бердилар.

А. Н. Муҳаммад империализм ва реакция кучларининг кирдикорларига қарамай, Жанубий Яман халқи бундан буён ҳам социалистик ўзгартишлар йўлидан бораверишини, социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайверишини таъкидлади.

У социалистик мамлакатларнинг май ойида Варшавада ўртага қўйган таклифларини демократик Яман тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини билдирди. Социалистик мамлакатларнинг мана шу янги муҳим ташаббусларини рўёбга чиқаришдан қуролсизланишга, кескинликни юмшатишга ва тинчликка интилаётган ҳамма давлатлар ва халқлар манфаатдор эканликларини А. Н. Муҳаммад қайд этиб ўтди.

Л. И. Брежнев Жанубий Яман раҳбарларининг Жанубий Яман халқи манфаатларини йўлида ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш йўлини давом эттиришга азму қарор берганликларини табриклади ва Яман социалистик партиясига, демократик Яман меҳнаткашларига муваффақиятлар тилади.

Аввал бўлганидек келгусида ҳам Совет Иттифоқи дўст Жанубий Яман халқининг революция ғалабаларини, миллий мустақиллик ва суверенитетни ҳимоя қилиш соҳасидаги куч-ғайратларини, империализм ва реакция кирдикорларига қарши, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайверади, деб ишонтирди Л. И. Брежнев.

Музокаралар тўла якдиллик вазиятида ўтди.

Визит якунлари тўғрисидаги қўшма акборот келишиб олинди. У матбуотда эълон қилинади.

* * *

28 май куни Кремлда иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик юзасидан доимий комиссияни таъсис этиш тўғрисида ҳамда иссиқлик электростанциясини қуриш ишида ҳамкорлик қилиш ҳақида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Яман Халқ Демократик Республика ҳукумати ўртасидаги битимлар, шунингдек иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ҳужжатларни иқтисодий алоқалар бўлмат комитетининг раиси С. А. Скачков билан ЯХДР саноат министри А. Г. Абдилқодир имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарёв ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Жанубий Яман томонидан Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош Министри А. Н. Муҳаммад, сафоридаги унга ҳамроҳлари — Жанубий Яман давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

УЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБАЙЖОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

27 май куни Тошкентда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарликнинг тугалланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Озарбайжон кунлари июнь ойининг биринчи ўн кунлигида бошланади. Озарбайжон етакчи бадиий коллективлари, таниқли ёзувчилар ва рассомлари, кинематографчиларни ва композиторлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари республикамиз меҳнаткашлари ҳузурига меҳмон бўлиб келадилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов Озарбайжон кунларига тайёргарликнинг борши ҳақида ахборот бердилар.

Мажлисда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари, деб таъкидлади у, икки қардош халқнинг катта байрами, мамлакат маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлади. Ўзбекистон Озарбайжон халқининг намояндаларини, анъанавий мусобақадош дўстларни зўр хурсандчилик билан кутиб олади. Озарбайжон кунларининг ўтказилиши совет халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошларча бирлигининг янги ёркин намойиши бўлиши, совет республикаларининг коммунистик қурилишда эришган ютуқларининг ажойиб кўриги бўлиши шубҳасиздир.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши 1-бетда)

Табиийки, биз Афғонистоннинг ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосига қулоқ солмасдан қола олмас эдик, бунинг устига афғон революцияси душманларининг ҳаттн-ҳаракатлари жанубий чегараларимизнинг бехатарлиги учун ҳам хавф туғдираётган эди.

Ҳозир Афғонистонга ҳатто ғоят соф виждонли ниятлар билан бўлсада, совет ҳарбий ёрдами тўхтатилишига даъват қилаётган кишиларга биз бундай деймиз: даставвал мана шундай ёрдам бериш заруратини туғдирган сабаблар бартараф этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Масалани снёсий йўл билан бемалол бартараф этиш мумкин. Қўшни давлатлар территориясидан аксил инқилобий кучларнинг Афғонистонга ҳарбий бостириб киришларини тўхтатишни гарантиялаш бунинг ўзагидир.

Ҳали яқиндагина Афғонистон ҳукумати снёсий бартараф этишнинг конкрет программасини ўртага қўйди. Бу — салмоқли таклифлардир. Ана шу таклифлар уларга жиддий муносабатда бўлишга, амалий музокараларга мўлжалланган. Эндиликда гап Афғонистоннинг қўшниларида ва аввало Покистонда қолди.

Совет Иттифоқи Афғонистон ҳукуматининг таклифларига қўшилади ва уларни қўллаб-қувватлайди. Бартараф этишнинг таклиф қилинаётган йўли билан ҳамда ташқаридан аралашувнинг ҳамма формалари тўхтатилишига ва қайта бошланмаслигига тегишли халқаро гарантиялар берилган тақдирда совет қўшинларини Афғонистон территориясидан олиб чиқиб кета бошлаш муддатлари тўғрисидаги ва шу йўлдаги ийладиган кейинги қадамлар ҳақидаги масала ҳам ҳал этилиши мумкин бўлур эди. Бу масала Афғонистон ҳукумати билан келишиб ҳал этилади, албатта.

Империалистларнинг кирдикорлари Яқин Шарқда ҳам вазиятни кескинлаштириб юборди.

Вашингтон Садатнинг ҳиёнаткорлигидан ва сепарат битимлар тузиш йўлидан араб мамлакатлари ўртасига нифоқ солиш ҳамда АҚШ билан Исроилнинг Яқин Шарқдаги манфаатларини узоқ вақт мобайнида таъминлаш учун фойдаланишга умид боғлаган эди. Эндиликда Кэмп-Дэвиднинг ана шу снёсати бош бўғи кўчага кириб қолаётганлиги очиқ кўриниб турибди. АҚШ мазкур регионда ва унинг теварак-атрофидаги Осиё ва Африка районларида ўзининг ҳарбий кучларини ошкора равишда сақлашга ўтмоқда.

Сохта баҳоналар билан бу ерга флот ва авиациянинг йирик кучлари келтириб қўйилган, зўр бериб Америка ҳарбий базалари вужудга келтирилмоқда. Бундан асосий мақсад арабларни қурол остида ушлаб, уларнинг табиий бойликларини тасарруф этишдан иборат.

Айни вақтда Исроил эса фаластин халқининг ҳуқуқларини бостиришда, Ливандаги агрессия ҳужумларида тобора сурбетларча ҳаракат қилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси вазиятни баттар кескинлаштиради. Яқин Шарқ ва у билан чегарадош мамлакатлар халқларининг хавфсизлигига жиддий таҳдид қилади.

Арабларнинг манфаатларига хилоф бўлган сепарат битимлар снёсатидаги чўпилиб кетган машмашани тўхтатиш пайти келмадимикан? Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш ишини бирдан-бир тўғри ўзанга — барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан албатта Фаластин Озодлик Ташкилотининг ҳам коллектив кучғайрат сарфлаши йўлига қайтариш вақти келмадимикан?— деган саволлар туғилади.

Воқеаларнинг қандай ривожланиши мана шу саволларга боғлиқ бўлади.

Бундай шароитларда матонат ва қаршилик ҳаракати фронтининг давлатлари, барча араб ватанпарварлари, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик бўлишидан астойдил манфаатдор ҳамда халқларнинг ҳуқуқларини амалда ҳурмат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси олиб бораётган снёсий курош айниқса муҳимдир.

Биз демократик Яман ва унинг снёсий авангарди — Яман социалистик партияси шу курашга қўшаётган ҳиссага юксак баҳо берамиз.

Ўртоқ Муҳаммад билан жанубий яманлик бошқа раҳбарларнинг соглиги учун, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик учун, Яқин Шарқда ва бутун дунёда адолатли ҳамда мустаҳкам тинчлик учун қадаҳ кўтарганингизни таклиф этаман.

* * *

А. Н. Муҳаммад жавоб нутқи сўзлади.

барлари ҳар сафар социализм масканига келганларида ёки совет раҳбарлари демократик Яманда бўлганларида биз мамлакатларимиз ва партияларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорликнинг қатгиқ негизларини янада мустаҳкамлаймиз ва кенгайтирамиз, деб айтишни зарур деб ҳисоблайман. Биз мазкур визит вақтида ҳам демократик Яман билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик кўпригини мустаҳкамлашимизга ғоят аминмиз. Биз халқларимизнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ ҳаракат қилиб, шу кўприкни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга азму қарор берганмиз, чунки у халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилади ва халқаро тинчликни пухталаштириш ишига кўмак беради.

Ўртоқ Брежнев!

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозониб, дунёда биринчи социалистик давлат — улуғ Совет Иттифоқи барпо этилгандан бери орада олтмиш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мана шу қисқа вақт ичида совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида илмий коммунизм асосчиларининг таълимотини муттасил амалга ошириб келди, эксплуатация ва миллий зулм жамиятини революцион тарзда ўзгартириб, юксак даражада ривожланган ва қудратли социалистик жамиятга айлантирди, бу жамиятда қардошлик, тенглик ва социалистик демократия муносабатлари ҳукм сурмоқда.

Инсониятнинг социализмга ўтиш даври улуғ Ленин ватанида социализм ғалабаси билан чамбарчас боғланган. Совет Иттифоқи фашизмни тор-мор этишда, жаҳон социалистик системасини вужудга келтиришда муҳим тарихий роль ўйнади. Бизнинг даврнмиз халқингизнинг Улуғ революцияси ёққан аланганинг бевосита таъсирида турибди, бу революциянинг юксак идеаллари бутун дунё халқларини оёққа тургизди. Бутун планетамизда озодлик, ижтимоий тараққиёт, демократия, тинчлик ва социализм учун кураш байроқлари қилпирай бошлади. Тинчликни, стабилликни ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш, вайронгарчилик келтирувчи жаҳон урушининг олдини олиш учун кураш Совет Иттифоқининг ўсиб бораётган ролига ва қудратига, унинг жаҳон империализмини ва халқлар тинчлигига, озодлигига, уларнинг ижтимоий тараққиёт ҳуқуқига душман бўлган империализм снёсатини жиловлаб қўйиш қобилиятига таянib турганлиги факти халқаро турмушдаги шак-шубҳасиз ҳақиқат бўлиб қолди.

Совет иттифоқилик азиз ўртоқлар ва дўстлар, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг буюк ролини алоҳида уқтириб ўтишга, Совет Иттифоқи халқларини табриклашга, улар ривожланган социализмнинг энг юксак поғонасига кўтарилиш йўлида иқтисодий, маданий, илмий ва социал соҳаларда эришаётган муваффақиятларга юксак баҳо беришга рухсат этгайсизлар. Ҳозир Совет Иттифоқида барпо этилган ривожланган социализм жамияти келгусида совет гражданларига янада кўпроқ фаровонлик ва бахт-саодат келтиришга, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан ва уларнинг қудратли партиялари билан биргаликда жаҳоншумул революцион тараққиётни ривожлантиришда самарали роль ўйнашига ишончимиз комил.

Демократик Яман Совет Иттифоқининг дунёдаги барча халқлар стабиллигини ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги снёсатини зўр мамнуният туйғуси билан юксак баҳолайди. Бизнинг мамлакатимиз сизларнинг снёсий ва ҳарбий соҳалардаги халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш йўлидаги куч-ғайратларингизни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Биз Германия Демократик Республикаси территориясида турган қўшинларни қисқартириш борасида сизлар кўрган тадбирларни ҳам юксак баҳолаймиз. Биз бу тадбирни Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатиш ва Европада тинчликни сақлаш иши тантанасига қўшган муҳим ҳиссаси деб биламиз. Айни вақтда биз бошқа йўлда қилинаётган бениҳоя хатарли ҳаракатни ҳам кўриб турибмиз: Қўшма Штатлар Ғарбий Европа территориясида юзлаб такомиллаштирилган ракеталарни жойлаштириш программасини амалга оширишга киришди. Бизнинг фикримизча, бу ҳаракат инсониятни бутунлай қирилиб кетиш хавфи остида қолдиради. Бундан ташқари бу ҳаракат Америка империализми кескинликни, совуқ урушни кучайтиришга ва тинчликка, стабилликка ҳамда халқаро кескинликни юмшатишга қарши чиқаётганини жуда равшан кўрсатиб турибди.

Яқин Шарқдаги аҳвол ҳамон шу районда кескинлик манбаи бўлиб, тинчлик ва стабилликка хавф солиб турибди. Кэмп-Дэвид иштирокчилари ҳозирги Миср режими билан сионист босқинчилар ўртасида «сулҳ» шартномаси тузилиши ва муносабатларнинг нормаллаштирилиши шу районда тинчлик ўрнатилишига олиб келди, деб фараз қилмоқдалар. Бироқ амалда Кэмп-Дэвид сулҳ шартномаси деб аталган шартномани имзолаган кимсаларнинг фикрлари тинчликдан жуда олисда қолди. Исроиллик босқинчиларнинг араблардан босиб олинган ерлардан тўла-тўкис ва сўзсиз чиқиб кетиши, шунингдек фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг бирдан-бир қонуний вакили бўлган Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбарлигида ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини тўла-тўкис ва сўзсиз тан олиш асосидагина тинчликка эришиш мумкин. Бундан бошқа ҳар қандай йўл оккупация зулматини фақат узайтиради ва тинчлик ўрнатилишига имкон беомайди. Шу билан бирга у араб халқларини оккупация қилинган ерларни қайтариб олиш йўлидаги одилона курашни давом эттиришдан тўхтатиб қололмайди.

Шу муносабат билан биз Совет Иттифоқининг араб халқларимиз курашига бераётган мадади ва ёрдамини миннатдорчилик ҳамда чуқур ташаккур билан эсга оламиз. Зотан империалист ва реакцион доиралар бу йўлни бузиб кўрсатишга қанчалик уринмасинлар, араб халқлари ҳамда уларнинг тараққийпарвар ва революцион кучлари совет халқининг шу кучлар олиб бораётган одилона курашини интернационал бирдамлигидан, уларнинг хотирасидан асло ўчмайдиган бирдамликдан миннатдордирлар.

Биз Африка Мугузи ва Форс кўрфази районида тинчлик ҳамда стабилликнинг тақдиридан, шунингдек империализмнинг шу район давлатларига қарши зўравонлик позициясида туриб иш кўриш йўлидаги уринишларидан ва унинг «тез чора кўриш кучлари»ни, ҳарбий базаларни вужудга келтириш борасидаги ҳаракатларидан ташвиш чекмоқдамиз. Бу ерда мана шу муҳим районга кирувчи демократик Яман АҚШнинг мана шундай мантиқини ҳам, шунингдек гўё Совет Иттифоқи бу районда кескинлик тугдирмоқда ва унда тинчлик ҳамда стабилликка хавф солмоқда, деб кўрсатишга уринаётган реакцион кучларнинг йўлини ҳам рад этаётганимизни таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Бизнинг мамлакатимиз райондаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда агрессив ҳарбий базаларни тугатишга ва шу тариқа улар ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам тинчлик, стабиллик ҳамда самарали ҳамкорлик ҳукм сурадиган бўлишига қаратилган куч-ғайратларни давом эттиравериш қатгиқ бел боғлаганини яна бир карра тасдиқлайди.

Озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт тарафдорлари бўлганимиз учун биз социалистик Эфиопия халқининг ўз иқтисодий ва социал тикланиши йўлида олиб бораётган революцион курашига мададкорлик изҳор этамиз. Биз Америка империализмининг фитналарига қарши курашаётган ҳамда Эрон Ислом республикасининг миллий суверенитети, социал ва иқтисодий тараққиётини ҳимоя қилаётган эрон халқининг революцияси ҳайрихоҳлик ва меҳр-муҳаббат туйғуси билан қараймиз.

Афғонистондаги воқеаларга келганда, демократик Яман афғон халқининг империалистик ва реакцион аралашувга қарши қаратилган революциясини билдирди. Шу муносабат билан Совет Иттифоқининг Афғонистондаги революцион режимга берган самимий интернационал ёрдамини юксак баҳоламоқчиман. Бу — Совет Иттифоқининг обрў-эътиборига, нуфузига зарар етказиш мақсадини кўзловчи империалистлар ҳарчанд аралашув деб кўрсатишга уринмасинлар, асло аралашув бўлгани йўқ. Бу —Совет Иттифоқининг Афғонистон халқига, унинг ёш революциясига, унинг дўстлик ва ўзаро бирдамлик принципларига бўлган садоқатига хавф солиб турган хатарга нисбатан оликаноб позициясини ўзида ифодалаган қонуний интернационал ёрдам бўлди.

Биз демократик Ямандагилар Америка империализмининг фитналарига ва нгвогарликларига дуч келаётган социалистик Куба халқига мададкор ва бирдам эканимизни изҳор этамиз. Империалистлар ўзларининг Кариб ҳавзасидаги ҳарбий нгвогарликлари Куба халқининг ўз социалистик тузумига, ўз Коммунистик партиясининг раҳбарлигига бўлган ишончига путур етказади, деб умид қилмоқдалар. Аммо миллион-миллион кубаликларнинг Америка қилаётган нгвогарликларга кенг миқёсда қарши чиқаётганлиги ҳамда бошқа тинчликсевар кучлар уни қўллаб-қувватлаётганлиги Америка империализмининг нгвогарликларига берилган қатъий жавоб бўлди. Куба ёлғиз эмас ва жанг майдонида ёлғиз қолмайди. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг позицияси, шунингдек бутун дунёдаги бошқа тинчликсевар кучларнинг ва социализм кучларининг позицияси шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Биз Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг декларациясида баён этилган тақлифларни юксак баҳолаймиз. Европада урушга йўл қўймасликка тааллуқли тақлифларни, шунингдек ялпи тинчликни мустаҳкамлаш халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасида ҳар томонлама тинч ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятни айниқса қўллаб-қувватлашимизни изҳор этамиз.

Ўртоғимиз ва дўстимиз Леонид Ильич Брежнев!

Мамлакатимиз меҳнаткашлари социалистик ўзгартишлар йўлидаги миллий демократик революция вазифаларини тугаллаш учун куч-ғайрат сарфлашни давом эттиришга қатъий аҳд қилмоқда. Халқимиз ҳам ўз хоҳиш-иродаси билан танлаб олган мана шу йўлда меҳнаткашлар муҳим прогрессив ютуқларга эришдилар. Миллий экономикани вужудга келтириш, ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ва халқимизнинг фаровонлигини ошириш Яман социалистик партиясининг I съезди бизнинг олдимизга қўйган энг муҳим вазифаларнинг биридир.

Бизнинг янги режимимиз халқаро мавқеини мустаҳкамлашда ва миллий мақсадларга эришиш ишида ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз муҳим роль ўйнайди.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари партиявий алоқалар соҳасида ҳам, шунингдек снёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳам сезиларли даражада ривож топди. Мен Совет Иттифоқининг бизнинг халқимизга миллий мустақилликни ҳимоя қилиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янги муваффақиятларга эришиш соҳасидаги курашда бераётган беғараз ёрдамига жуда юксак баҳо бермоқчиман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага амал қилаётган Яман Халқ Демократик Республикасининг партияси, ҳукумати ва халқи халқларнинг ялпи манфаатлари ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш йўлидаги бундан буён ҳам қатъият билан муттасил олға бораверадилар.

Самимий кутиб олганингиз, иззат-икром ва меҳмондўстлик учун яна бир бор сидқидилдан ташаккур айтаман.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг сиҳат-саломатлиги ва бахт-саодати учун, қардош партияларимиз — Яман социалистик партияси ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бундан буёнги муваффақиятлари учун, яман-совет дўстлиги учун, араб-совет дўстлиги учун қадаҳ кўтаришга изозат бергайсизлар! Илмий социализм ва пролетар интернационализми принципларига байроғи бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида ер юзи узра ғолибона ҳилпирайверсин!

* * *

Л. И. Брежнев ва А. Н. Муҳаммад Ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлинib турди.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ЗАМОНДОШИМИЗ ПОРТРЕТИ

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Абдулҳақ Абдуллаев чизган суратларнинг Тошкентда очилган кўргазмаси зўр муваффақият қозонмоқда. Кўргазмага қўйилган асарлар ўз замондош образини яратган рассомнинг қарийб ярим асрлик ижодий йўлини акс эттиради. Портрет устаси А. Абдуллаев номлари Ўзбекистон маданияти тарихидан ўрин олган кишиларни ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини, тўқимачилар ва студентларни, артистлар ва биокорларни тасвирлади.

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов 27 май куни А. Абдуллаев асарлари кўргазмасини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР БУРЧ

КАЛИНИН районидаги «Хасково» совхози қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, иқтисодий юксалиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Совхозда ўтган тўрт йил мобайнида давлатга 33 минг 280 тонна ўрнига 37 минг 265 тонна сабзавот топширилди. Эл дастурхонига пландан ташқари 4542 тонна сабзавот етказиб берилди.

Чорвачилик ҳам кескин юксалди. У рентабелли тармоққа айланиб бормоқда.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда шубҳасиз, халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси каттадир. Назоратчилар совхоз партия ташкилоти раҳбарлигида кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, хўжасизлик, талон-тарожга қарши кураш донмо уларнинг диққат-эътиборида. Резервлар, имкониятларни қидириб топиб ишга туширишда активлик кўрсатмоқдалар. Натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, чорва маҳсулдорлиги кўпаяётир.

Совхоз халқ контроли группасининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида группа раиси С. Керимбетов шулар ҳақида гапирди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан 2-бўлим бригада бошлиғи М. Мирҳожиев, сут соғувчи Г. Зуфарова, 1-бўлим ишчиси Р. Азимов, ем-хашак бригадаси бошлиғи А. Ортиқов, совхоз бош инженери Н. С. Ким, совхоз директори Т. Бекматов ўртоқлар назоратчилар амалга оширган ибратли ишлар ҳақида сўзлаш билан бирга асосий эътиборни бундан буён ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга ҳам қаратдилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаховнов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари С. Рашидов, область халқ контроли комитетининг раиси М. Муллаев, область партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудири О. Зуфаров, район партия комитетининг биринчи секретари Р. Ҳамбаров ўртоқлар иштирок этдилар.

Йиғилишда халқ контроли группасининг янги составн сайланди.

ПИЛЛАЧИЛАР РАПОРТИ

Областимизнинг яна икки райони пилласини маррага етдилар. **Оққўрғон** райони пилласилари тайёрлов пунктларига 125 тоннадан ортиқ «кумуш тола» етказиб бердилар. Ҳар қути қурт уруғидан 72 килограммдан пилла олиндн. Ким Пен Хва, Охунбобоев номли, «Северный маяк», Свердлов номли, «Ленин йўли», Акмал Икромов номли, Энгельс номли колхозларда ҳар қути қурт уруғидан 72—75 килограммдан пилла олинди.

Район пилласилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 25 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

Ўртачирчиқлик пилласилар ҳам зафар қудидлар. Улар давлатга 135 тонна хом ашё сотдилар. Ҳар қути қурт уруғидан 70 килограммдан пилла олиндн. Ким Пен Хва, Охунбобоев номли, «Северный маяк», Свердлов номли, «Ленин йўли», Акмал Икромов номли, Энгельс номли колхозларда ҳар қути қурт уруғидан 72—75 килограммдан пилла олинди.

Район пилласилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 25 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ОБЛАСТЬ саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирнб, маҳсулот реализация қилиш ва кўчмлик муҳим буюмларни ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг беш ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Май ойи охирнгача пландагига қўшимча яна ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ўртоқ А. Н. МУҲАММАД нутқи

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Муҳтарам совет раҳбарлари!

Бизга кўрсатилган иззат-икром учун, улуғ совет мамлакатининг пойтахтига қадам қўйишимиз биланоқ биз ҳис эта бошлаган дўстлик ва самимият учун делегациямиз номидан дўстлик ва сидқидилдан туйғуси билан чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчиман.

Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган муҳим фикрларни юксак қадрлаймиз. Бу фикрлар Совет Иттифоқининг дунёга озодлик, тараққиёт, дўстлик ва тинчлик учун олиб бораётган одилона кураш масалаларидаги қатъий ва принципиал позициясини акс эттиради.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзларида бизнинг қалбларимизда, демократик Яманда жўш ураётган дўстлик ва муҳаббат туйғулари, жаҳон империализмига, айниқса Америка империализмига ва унинг гумашталарига қарши, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун бирга-ликдаги кураш туйғулари яққол кфодаланиб берилганлиги бизни мамнун этади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу тантанали зиёфатда сўзлаган сермазмун нутқида билдирилган туйғуларга биз тўла-тўкис қўшиламиз.

Биз мамлакатларимиз ўртасида ўтган йил октябрь ойида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг оликаноб ва юксак мақсаллари йўлида биргаликда боваверишимизни бу ерда алоҳида уқтириб ўтмоқчимиз.

Мамлакатимизнинг раҳбарлари амалга оширилмоқда, қўшимча янги павильонлар, ўйин майдончалари, ошхоналар, тўғарак ишлари учун хоналар қурилмоқда ёки улар кенгайтирилмоқда, лагерь территориялари ободонлаштирилмоқда.

Болаларнинг ёзги дам олиш кампаниясини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш масъулиятини ўз зиммасига олган касаба союз комитетларининг махсус комиссиялари фаол иш олиб бормоқда. Улар пионер лагерларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳақида қайғурмоқдалар. Ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган, яхши жиҳозланган лагерларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Ленин хоналари, нутуб хоналар, спорт комплекслари, сузиш бассейнлари болалар ихтиёрига берилб қўйилган.

Болалар лагерларнинг янги мавсумга тайёрлашда В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналарнинг касаба союз ва хўжалик ташкилотлари каттагина ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу муҳим ишда болалар ёзги дам олишини намунали ўтказиш учун область советлари ўртасида мусобақа ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Касаба союзлари Совети эълон қилган қарор катта роль ўйнамоқда. У болалар ўртасида ташкилий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга сўзсиз ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Мусобақалашишдан мақсад, аввало болалар дам олишини ташкил этишга ҳар бир ишлаб чиқариш коллективини, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларини, кенг жамоатчиликни яқиндан жалб қилиш ва бу мусобақада ҳар бир пионер лагерининг қатнашишига эришишдан иборатдир.

Санаторий типидаги пионер лагерлари тармоғини ривожлантиришга, айниқса катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили ана шундай лагерларда 18 мингдан ортиқ мактаб ўқувчиси ўз саломатлигини яхшилади. Бу йил эса, 22 санаторий типидаги пионер лагери ишлайди. Уларда 22 мингдан ортиқ бола дам олади.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг «Синегорье», В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Октош», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Радуга», Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъминот бошқармаси область базасининг «Мир». Тошкент шаҳар марказлаштирилган юк ташиш автомобиль трестининг Стрельцов номидаги пионер лагерларида тарбиявий ва даволаш-соғайтириш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Меҳнат ва дам олиш лагерлари болалар ўртасида, айниқса довруғ қозонган. Мактаб ўқувчилари катталар билан ёнма-ён далаларда меҳнат қилиб, кўп нарсаларни ўрганадилар, ишлаб чиқариш экономикаси билан таништадилар, илғорларнинг ютуқларидан хабардор бўладилар. Йилдан йилга бу каби лагерларнинг моддий базаси мустаҳкамланиб, техник жиҳатдан дурустроқ таъминланмоқда. Улар ҳозирда юқори синф ўқувчиларини сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий тарбиялашнинг самарали формаларидан бирига айланган. Бу йил ана шундай лагерларда 16 мингдан ортиқ боланинг дам олиши кўзда тутилмоқда.

Мактаблар, боғлар, маданият муассасалари, спорт иншоотлари ҳузурида ташкил этилаётган шаҳар пионер лагерлари ўзини яхши оқлаяпти, мактаб ўқувчиларини ўз каникулларини мазмунли ўтказишаяпти. Бу йил ана шундай лагерларда 45 минг бола дам олади. Болалар майдончалари тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Ёш техниклар, спортчилар, китобсеварлар каби бирлашмаларнинг сони йилдан-йилга ортмоқда.

Маълумки, болаларнинг ёзги дам олишини уюштиришдаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқдир. Пионер лагерларига жисмоний тарбия инструкторлари, отряд вожатийлари, врачлар, ошпазлар юборилиши лозим. Бизда яхши раҳбарлар кўп. Пионер лагерларининг бошлиқлари В. И. Муҳамедова, А. И. Утешев, М. Обидова, Е. П. Ковалев ва бошқалар шулар жумласидандир. Улардан ибрат олса арзийди.

Ёзда лагерларда болаларни партия ва Совет халқининг революцион, жанговар ҳамда меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш ишлари фаоллик ва таъсирчанлик билан давом эттирилади. Бу мавсум шу жиҳатдан, айниқса ўзига хосдир. Биз Ленин юбилейи йилида яшаяпмиз ва меҳнат қилаяпмиз. Пионер ва ўқувчиларга улуғ доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ишонарли ва таъсирли ҳикоя қилиб бериш, В. И. Ленин асарларини ўрганиш бўйича тўгараклар ташкил этиш, болаларга ўн биринчи беш йиллик кўламларини тушунтириш — тарбиячи ва вожатийларнинг бурчидир.

Яна бир вазифа шундан иборатки, ҳар бир мактаб ўқувчиси лагерда ГТО комплекси ёзги нормативларини бажаришга эришсин, сузишни ўргансин, спорт мусобақаларида актив қатнашсин. «Умид» стартлари, «Нептун» «Оқ руҳ», «Чарм тўп» мусобақалари уюшқоқлик билан ўтказилиши лозим.

Бу факт ва рақамлар область касаба союзлари Советининг Пленумида қайд қилиб ўтилди. Пленум қатнашчилари область касаба союзлари Советининг секретари **М. И. Сафаровнинг** болаларнинг соғломлаштириш кампаниясини ўтказиш ҳақидаги докладини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси **Т. Р. Ражабов**, олий мактаблар ва илмий муассасалар маориф ходимлари касаба союзи область комитетининг секретари **З. И. Масютина**, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **В. Г. Хамова** ва «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари **Г. Х. Аҳмедов** ўртоқлар асосий эътиборни мавжуд камчиликларга қаратдилар.

Баъзи бир область касаба союз комитетлари, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари пионер лагерлари учун кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишда талаб даражасида фаол ишламаяптилар. Мактаб ўқувчилари ўртасида тарбиявий ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишда зарур ёрдам бермаяптилар.

Афсуски, ҳанузгача ҳамма лагерларда тўғарак ишлари учун махсус жиҳозланган павильонлар, устахоналар, кутубхона ва кўргазмалар учун алоҳида хоналар мавжуд эмас. Деярли ҳамма лагерларда доим тўғарак ишлари учун асбоблар ва материаллар, кўргазма қуроллари, спорт инвентарлари, командалар учун спорт формалари етишмовчилиги сезилади.

Санаторий типидаги пионер лагерлари ишига етарли эътибор бермаётган соғлиқни сақлаш ходимлари адресига ҳам кўпгина эътирозлар билдирилди. Ҳамма лагерлар ҳам врач ва медицина ҳамширалари билан тўла таъминланмаган («Ласточка», «Волна», «Огонёк»). Врач-стоматологлар етишмайди. Поликлиникаларда санаторий-сараташ комиссиялари йўқ, шу туфайли булутур болалар лагерларга санаторий карталарисиз олиб борилди.

Медицина ходимларининг бир қисми лагерларда болаларга хизмат қилиш спецификасини билмайди, овқат тайёрлаш блоклари ишни назорат қилиш ва болаларни санитария-гигиена жиҳатдан тарбиялашга етарли эътибор бермайди.

Пленумда Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Брандов** нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. М. Камолова Киров район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Пленум унн область касаба союзлари Советининг секретари вазифасидан озод қилди.

Пленум Д. Д. Усачевни область касаба союзлари Советининг секретари қилиб сайлади.

Пленум ишида ВЦСПС инструктори Р. М. Турунов қатнашди.



Кунлар исиб, ғўзанинг сувга бўлган талаби ҳам кучайиб бормоқда. Миришкор деҳқонлар ҳар туп ниҳолнинг қониб сув ичишини таъмин этмоқдалар. Суратда: Бекобод районидаги «Ленинград» совхози 4-бўлимн 1-бригадаси сувчилари Абдусалом Жўмартов ва Анвархон Акромовларни кўриб турибсиз. Улар кунига 1,5—2 гектар майдондаги ғўзага сув қўймоқдалар.

ДАЛАЛАР ЖИЛВАСИ

Замин бағридан бош кўтариб, кун сайин бўй чўзаётган ниҳоллар авжи киши кўнглига завқ-шавқ бағишлайди. Ширин опа дала шийпонининг бир хонасига жойлашган мавсумий ясли-даги кичкинтойлардан хабар олди-да, яшил эгатлар бўйлаб колхозчилар ишлаётган майдон томон юрди. Бригадир қиз-жувонларнинг чақноқлик билан ишлаётганларидан мамнун бўлиб, хуш кайфият билан:

— Ҳормангиз!— деди.

— Саломат бўлинг,— хушчақчақлик билан жавоб қайтаришди аъзолар.

— Ғайратингиз чакки эмас-ку,— сўзида давом этди бригадир.— Тушгача бу пайкални ҳам қўлдан чиқарадиганга ўхшайсизлар. Лекин, ишнинг сифати ҳам эътибордан қолмасин. Бир туп бегона ўт қолса ҳам ғўза озуқасига шерик бўлади...

Ширин Шохалилова «Москва» колхозининг пешқадам бригада бошлиқларидан ҳисобланади. Унинг бригадирлик фаолиятига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай Ширин ўзининг ижтилувчанлиги, тиришқоқлиги билан кўзга ташланиб қолди.

У бригадирлик қилмасдан аввал колхоздаги болалар боғчаси мудираси эди. Жажжи кичкинтойларга парвона бўларди. Ҳозирда эса мурғак ниҳоллар унинг учун ўз фарзандларидек.

Бригадада шу кунларда ишлар маромида, омилкорлик билан олиб борилмоқда. Яхшилик Исқораев, Рўзи Фозилов, Машраб Исоқов каби тажрибали сувчилар ниҳолларни биринчи сувдан чиқаришган. Дала шунқори Б. Йўлдошев ишлов беришни қизғин давом эттирмоқда.

Пахтакорлар унумли меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқаришлари учун замонавий дала шийпони шинам безатилган. Бу ерда телевизор, сиёсий-илмий. бадиий адабиётлар, газета-журналларнинг янги сонлари бор.

— Ўтган йили,— дейди Ширин Шохалилова,— мавжуд 62 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36,1 центнердан, жами 280 тонна пахта етиштирган эдик. Бу йилги ниятимиз янада улкан. 55 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштирамиз.

Бригада коллективи юксак мажбуриятни ўнг этган ҳолда ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқда. Меҳрибон Мусахонова, Меҳригул Исқораева, Фотима Мустафоева, Мастура Мақсудова, Зулфия Аҳмедовалар астойдил ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишиб, кўпчиликка ўрнак бўлаётирлар. Деҳқон меҳрига қонган ғўзалар яшнаб, далаларни кўркам қиляпти.

Ҳ. ШЕРОВА,
Чиноз район.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИНИНГ БАЁНОТИ

КОЛОМБО, 27 май. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий секретариати бу ерда Жанубий-Ғарбий Осиёдаги аҳвол тўғрисида баёнот тарқатди.

АҚШ империализми, дейилади баёнотда, шу районда беқарорлик туғдириш сиёсатини ўтказиб келмоқда, тескаричи феодал унсурларни қуроллантирмоқда, исломни ҳимоя қилиш деган мунофиқона баҳона билан бу унсурларни тинч аҳолига қарши ялпи жиноятга бошлаб бормоқда.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Покистон билан Афғонистон ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга қатъий тарафдор эканлигини билдириб, Афғонистоннинг суверенитетига ташқаридан хавф сақланиб қолаётганлигини ва Апрель революциясининг муваффақиятларини мустаҳкамлашга тўсқинлик қилишга уринишлар давом этаётганлигини зўр ташвиш билан билдиради. Ташкилот секретариати Афғонистон Демократик Республикасининг Покистон халқи билан нормал, яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш мақсадида қилган таклифларига қўшилганлигини билдиради, шунингдек империалистларнинг кирдикорлари ва иғвогарлик ҳаракатлари чегара районларда миллионлаб кишиларнинг социал-иқтисодий ҳаётига катта зарар етказади.

Бирдамлик ташкилоти Осиёнинг шу районида аҳволни нормаллаштиришга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш иштиёқига амал қилиб, Ғарбий-Жанубий Осиё халқлари ўртасида миллий мустақиллик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида яхши ният билан Покистонга миссия юборишга қарор қилди.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг Покистон халқи билан нормал, яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш мақсадида қилган таклифларига қўшилганлигини билдиради, шунингдек империалистларнинг кирдикорлари ва иғвогарлик ҳаракатлари чегара районларда миллионлаб кишиларнинг социал-иқтисодий ҳаётига катта зарар етказади.

Бирдамлик ташкилоти Осиёнинг шу районида аҳволни нормаллаштиришга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш иштиёқига амал қилиб, Ғарбий-Жанубий Осиё халқлари ўртасида миллий мустақиллик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида яхши ният билан Покистонга миссия юборишга қарор қилди.

СОБИҚ ШОҲ ЭНДИ АФСУСЛАНАЯПТИ

ВАШИНГТОН, 28 май. (ТАСС). Эроннинг ағдариб ташланган шоҳи «Вашингтон пост» газетаси мухбири билан суҳбатда Эрон революциясини «ўз вақтида» бўлиб ташламаганлиги учун чуқур афсусланганлигини билдирди. Кўпроқ қўшин тўплаш ва намойишларни бостириш, шундай қилиб «қонун ва тартиб» ўрнатиш керак эди, деб нолиди шоҳ газетанинг Қоҳирадаги мухбири билан қилган суҳбатида. У АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси З. Бзежинский шундай ҳаракат қилишни тавсия этган кишилардан бири эканлигини таъкидлади. Бзежинский шоҳга Эроннинг АҚШдаги элчиси Зоҳиди орқали шундай «маслаҳат» бериб турган.

Шоҳ ҳозирги вақтда Эрон Ислом Республикаси ташқарисида шу мамлакатга қарши тузилаётган актив оппозицияга бошчилик қилиши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини айтди.

ТЕҲРОН, 27 май. (ТАСС). Эрон пойтахтидан 50 километр ғарбда қуриб битказилмаган Гоҳардашт турмасининг машъум манзараси шоҳ САВАК органкаси эронликларга тайёрлаган оғир қисматни эслатиб турибди.

Шу турма архитекторларининг сўзига қараганда «энг замонавий» бўлган турма комплекси ҳозир томошабинлар учун очиб қўйилган. Бу комплекс Яқин ва Ўрта Шарқда энг катта қамоқ лагери бўлиши керак эди. У тўрт томондан тиканли сим билан ўралган ва сигнал берувчи замонавий техника билан таъминланган, қўриқчилар учун махсус миноралари бўлган иккита девор билан қуршаб олинган.

ГИЛАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ УСМОҚДА

КОБУЛ, 27 май. (ТАСС). 1979 йилнинг март ойидан 1980 йилнинг март ойига қадар Афғонистондан 600 минг квадрат метрдан кўп гилам экспорт қилинди. Бу ўтган йилдагига қараганда 50 минг квадрат метр кўпдир.

Бахтар агентлигининг қайд этишича, ҳозир афғон мутахассислари гилам экспорт қилишни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, гилам сотишни янада кенгайтириш чоралари устида иш олиб бормоқдалар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг шимолида Венгрия Халқ Республикасида энг катта турар-жой массиви қурилмоқда. Турар-жой райони қурилиши тугаганидан кейин бу ерда 100 минг киши истиқомат қилади. Архитекторлар бу ерда яшайдиганлар учун энг кўп қулайликларни кўзда тутганлар. Болалар боғчалари ва медицина муассасалари билан бир қаторда янги турар-жой массивининг марказида катта универсал магазин, тим, маданий марказ қуриш мўлжалланмоқда. Дунай дарёси ёнида спорт саройи, усти ёпиқ бассейн, истироҳат боғи барпо этилади, янги турар жой массиви 1990 йилгача мўлжалланган турар-жой қурилиши программаси асосида бунёд этилмоқда. Бу программани амалга ошириш мобайнида Венгрия Халқ Республикасида 1 миллион 200 мингта янги квартира бунёд этиш кўзда тутилган.

ДУБЛИН. Ирландия нархлар миллий комиссиясининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда мамлакатда пулнинг қадрсизланиши 20 процентни ташкил этмоқда. Бу 1978 йилдаги кўрсаткичдан икки ярим баравардан ҳам кўпдир. Ирландия матбуотининг қайд этишича, фақат ўтган йилнинг ўзида ёқилғи ва электр энергияси 40 процент, транспорт 23 процент, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 10 процентдан кўп ошиб кетган.

РАНГУН. Магуэ округидаги Минбу районн саводсизлик зонаси деб эълон қилинди. Бирманинг экономика жиҳатидан мўҳим бўлган бу районда истиқомат қилувчи 15 мингдан зиёд деҳқон ва ишчи саводсизликни тугатиш бир йиллик курсларини муваффақиятли битириб чиқди. Бу курсларда пойтахт олий ўқув юртларининг студентлари, юқори синф ўқувчилари ҳамда маҳаллий зиёлилар дарс бердилар.

Мустамлакачиликнинг оғир сарқити — саводсизликни батамом тугатиш умуммиллий кампаниясининг кураши тобора кучаймоқда. Бу йил саводсизликни тугатиш кампанияси 30 районни қамраб олди. Бу ўтган йилдагига қараганда бир ярим баравар кўпдир. Бирма мустақилликка эришганидан буён 100 та районда саводсизлик бутунлай тугатилди.

(ТАСС, 27 май).

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

ЕР ШАРОИТИ ВА ДЕҲҚОН МАҲОРАТИ

Хўжалигимиз пилла чилари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари — тўрт йилда ошириб бажарган эдилар. Давлатга беш йиллик планда белгиланган 20700 килограмм ўрнига 28200 килограмм юқори сифатли пилла сотилган эди.

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг якунловчи йилида ҳам пиллачиларимиз астойдил меҳнат қилиб, 23 майда давлатга пилла сотиш планини ошириб адо этдилар. Қабул пунктларига пландаги 6100 килограмм ўрнига 7000 килограммдан зиёд «кумуш тола» етказиб берилди. Ҳар қути қурт уруғидан олинган ҳосил пландаги 61 килограмм ўрнига 70 килограммга тўғри келди. Мунаввар Мирзабеков, Райхон Мусаева, Ойша Раҳимова, Фариза Усмонова, Қутби Иброҳимова, Озода Каримова, Мастура Йўлдошева, Ҳатми Ёқубова, Ҳожия Аширова, Зарифа Эгамбердиева сингари кўплаб илғор пиллачиларимиз эса ҳар қути қурт уруғидан 100—115 килограммдан ошириб «кумуш тола» етиштирдилар.

Районимизда пиллани янги давлат стандарти бўйича қабул қилинишининг жорий этилиши маҳсулот сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда. Топширилаётган пилла сифати Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли физика-техника институти олимлари томонидан яратилган «ФТИ-1» аппарати ёрдамида тезда аниқланмоқда. Бу аппарат пилладаги ипак миқдорини белгилаб беради, пиллачиларга шу асосда ҳақ тўланади. Бу пиллачиларнинг юқори сифатли пилла етиштириш учун моддий манфаатдорликларини оширади.

Хўжалигимизда давлатга пилла топшириш давом этмоқда. Пиллачиларимиз бу йил Ватанга 8000 килограммдан ошириб пилла топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам яқин кунларда шараф билан бажарадилар. Бу билан ўн биринчи беш йиллик ҳисобига 16 минг килограммдан зиёд «кумуш тола» топширилади.

С. ПУЛАТОВ,
Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг пиллачилик бўйича катта агрономи.

СОВХОЗИМИЗ ишчилари ҳар йили 2800 гектар ерга пахта экишади. Чўлда меҳнат қилишимга қарамай, йил сайин 35 центнердан ошириб «оқ олтин» етиштириб келмоқдамиз. Агар иқлим ва тупроқ шароитимизнинг турли хил экинлигини ҳисобга олганда ҳосилдорликда муқимликка эришаётганлигимиз катта ютуқдир.

Аввало шуни айтиш керакки, совхозимиз ерларининг аксарият қисми Бекобод шамоли эсадиган зонага жойлашган. Бу ерларга чигит экиш, уни бир текис ундириб тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш ва кўчатни бутлаб олишда алоҳида агротехник тадбирларни қўллашга тўғри келади. Бундан ташқари территориямизда 500 гектардан ортиқроқ кам қувват тошлоқ ва қумлоқ ерлар бор. Бу карталар ҳам ўзига хос алоҳида ишлов талаб қилади. Шунинг учун ҳар йили ғўзаларни ёппасига шонага киритиб олгунча, тадбиркорлик билан тинимсиз изланишда меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Бу йил биз асосий майдонларга 90х8х1 схемасида «Тошкент-1» навли чигитни кенг қаторлаб экдик. 500 гектардан иборат қумлоқ ерларга эса эгат оралиғини 90 сантиметр қилиб, қўш қаторлаб чигит ташландн. Бундан ташқари 300 гектар ерга Бухоро усулини қўллаб, чигитни пуштага экдик. Бу усулнинг афзаллиги ҳозирданоқ яққол кўриниб турибди. Ёғингарчилик кўп бўлишига қарамай, бу карталарда қатқалоқ жуда кам бўлди. Чунки ёғин сувлари пуштада тўхтамай, эгатга оқиб кетади.

Совхозимиз бўйича кўчатни текислаб олиш мақсадида 500 гектарга яқин майдонга муддатидан илгари сув беришга тўғри келди. Табиийки бу карталарда бегона ўтлар кўпайди. Шундай бўлишини аввалдан сезганлигимиз учун хўжаликдаги мавжуд культиваторларни ва барча ишчи кучларини сафарбар этиб, иккинчи кун ичида ҳамма майдонларни қўлдан чиқардик.

Бу йилги шароитда яганани чигитнинг униб чиқиши, ниҳолларнинг ривожланишига қараб табақалаштирган ҳолда ўтказишга тўғри келди. Бу ишни 3 майда бошлагандик. Ҳар куни пахтазорларда 1500 киши юрган диска ниҳоллар қаторига яқин ўрнатилганлиги учун юмшаган тупроқни бироз суриб кетиб, ғўза остларига шамол ўтишига имкон яратди. Натижада илдиз чириш касалининг олди олиниб, ниҳоллар ўзини тез тутиб олди. Умуман бу йил қайта-қайта культивация ўтказиш яхши наф келтирди. Айни кунларда далаларимизда учинчи культивация ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Камқувватли қумлоқ ерлардаги ғўзаларнинг авжи айниқса баланд. Ҳар гектар ерда 150 минг туп кўчат сўм пул ва совхознинг кўчма Қизил байроғи топширилди. Механизация воситасида бажарилган ишларнинг сифати бўйича эса Абдугани Тошматов бошлиқ 4-бўлим устунликка эришди. Бунда механизатор Мусинжон Сирожиддиновнинг маҳорати юксак баҳоланди.

Совхоздаги мавжуд 32 та бригададан 12 таси мусобақа якунларига кўра биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар. К. Хусанов, В. Тўхтабоев, С. Худойбердиев, А. Бобоев, Ш. Аҳмедов ва Б. Мамедов бошлиқ бригадалар биринчи — мукофотли ўринни эгаллаб, 500 сўм пул ва бригадалар учун таъсис этилган кўчма Қизил байроқни қўлга киритдилар.

Ғўзани озиқлантириш ҳам энг муҳим тадбирлардан биридир.

Бизнинг шароитда йиллик нормадаги ўғит учга бўлиб берилади. Биринчи озуқа чигит экиш даврида, иккинчиси тупроқ шароитига ва ғўзаларнинг аҳволига қараб ҳар хил муддатда берилади. Масалан, бу йил иккинчи озуқа 500 гектар ерга культивация билан бирга, қолган майдонларга эса культивациядан сўнг эгат олиш пайтида берилди. Ҳамма майдонлардаги ғўзаларга биринчи сув тараб бўлингандан сўнг учинчи озиқлантириш ўтказилади. Бу сўнгги озиқлантиришни 15 июндан кечиктирмасликни мўлжаллаб турибмиз.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида совхозимиз ишчилари 10 минг тонналик катта хирмон учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

Б. МИРЗАКАРИМОВ,
Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози бош агрономи.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

Чўпонлар 1980 йил режаларини муҳокама қилишар эди. Бу йиғилишда сўзга чиққанлар отарини қишловга қандай тайёрлаганн, қўйларни қай йўсинда парвариш қилаётганликлари, белгилаган режалари ҳақида гапирдилар. 40 йилдан ошиқ вақт ичида қўй боқиб, яйлов кезган Абдузукур ака Алматов кўнглидагини икки оғиз сўз билан ифода этиб қўя қолди. У ҳар 100 совлиқдан 140 тадан қўзи олишга, ҳар қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишга сўз берди. Ҳамкасбларини мусобақага чақирди...

Орадан қиш ўтди, кўклам келди. Баҳорнинг яйлов меҳнаткашлари учун қийинчилик туғдирган пайтлари эди. Ана шундай кезларда Абдузукур ака Алматов кўнглидагини амалга оширишга киришди. Ҳар куни эрталаб қўй сонини ўзи текширди. Ҳар бир қўйнинг ҳолатини ўзи кузатди. Ҳар бир совлиқнинг ҳомиладорлик даврини ўзи назорат қилди. Ҳар бир қўзининг ўсиб-ривожланишини ўзи кузатиб борди. Ҳар бир қўйнинг жунини ўзи қирқиб олиб, мажбуриятни шараф билан бажарибди.

— Омад келди, лекин меҳнат билан келди,— деди кўкси қувончга тўлиб-тошган Абдузукур ака.— Совлиқларни қўзилатиш даврига етказиб, насл олишни муваффақиятли тугаллагунча фарзандларим Абдуваҳоб ва Тожиддин ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Эндиликда эса қўйларни жадал семиртириш учун курашяпмиз.

Ж. АБДИЕВ.

ШТАТСИЗ ИНСПЕКТОР

Дарвоқе, одамнинг қадри унинг жамиятда тутган ўрни, мавқеига боғлиқ. Бу мавқе шундай бир ҳаёт боғи-ки, у бутун умр мобайнида бунёд этилади, томчилардан қатра-қатра йиғилиб мисоли улкан уммонга айланади, меҳнат, эътиқод унга зеб, сайқал беради. Бу йилги навбаҳорни етмишинчи бор қаршилаган Тўрахон ака Боимбетовнинг ҳаёт йўли ҳам ана шундай, ибратона ва сермазмун.

Ҳаёт уни гўзал орзулар йўргагида ардоқлади, вояга етказди. Ўқиб олий маълумотли зиёкор бўлди, ҳассослик билан халққа маърифат, илму-урфон знёсини таратди. Риёкор душман Ватанимиз тупроғига ҳиёнаткорона бостириб кирган кезлари эса, ўз муқаддас бурчини ўтагани фронтга, жангга отланди. Ўз киндик қони тўкилган она юрти, элати олдидаги қарзини садоқат ва матонат билан узди. Фронтдан кўкси тўла жанговар нишонлар билан қайтди.

Мард ўғилнинг тинч меҳнат фаолияти кўтаринкилик билан бошланди. У Ғузор район партия комитетига иккинчи секретарь бўлиб ишга келди. Сўнг 1944—55 йилларда Қашқадарё область партия комитетида кадрлар ва мактаблар секторининг мудири, 1955—59 йилларда область халқ маорифи бўлими инспектори сифатида актив фаолият кўрсатди.


Кекса партия ходимининг хизматлари муносиб тақдирланди. У халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи бўлди. Тажрибали педагогнинг кейинги ҳаёти мактаб фаолияти билан узвий боғлиқ бўлди. Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози территориясида жойлашган 30-ўрта мактабда кўп йиллардан буён директор. Ўзининг бутун мазмунли ҳаёти ва бой билимини ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек мўътабар ишга сарфлаб келаётган Тўрахон ака Боймбетов жамоат ишларида ҳам таҳсинга сазовор фаолият кўрсатмоқда. 40 йиллик партия стажига эга бўлган жонкуяр мураббий ҳозир Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори. У район халқ контроли комитетига актив кўмаклашиб келмоқда. Ҳар бир партия топшириғини сидқидилдан ғайрат кўрсатиб адо этаяпти. Бунинг, эвазига у 1978 йили СССР халқ контроли аълочиси нишони билан тақдирланди.

Тажриба, иштиёқ ҳамма вақт яхши ташаббусларга йўл очади. Тўрахон акадаги ташаббускорликка мойиллик ҳам ана шундан. У қўпгина ҳайрли ишларга бош-қош бўлган. Бир воқеа, айниқса сира эсидан чиқмайди. Кимпеи Хва номли колхозда комитетга тушган шикоят юзасидан техника ремонти сифатини текшириш бораётган вақтда у ёқилғига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлинаётганига эътибор бериб қолди. Колхоз халқ контроли группаси мажлисида у ана шу ҳақда батафсил тўхталди, жиддий танқидий мулоҳаза билдирди.

Танқид аниқ мўлжалга теккан, айни вақти-соатида айтилган эди. Бу танқид эмас, жуда қимматли фикр, маслаҳат эди. Тўрахон ака-нинг мулоҳазаси маъмурият томонидан мамнуният билан қарши олинди. Тезда бу камчиликни йўқотиш чоратадбири кўрилди. Хўжаликда ёқилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланила бошланди. Ҳар бир машинага ёқилғи нормаси у бажарадиган ишга қараб белгиланадиган, лимитлаштириладиган бўлди. Бу эса, йилига 15 тоннадан зиёд ёқилғи-мойлаш материалларини тежаш имконини берди. Бу—жонли ташаббуснинг салмоқли мевасн эди.

...Машина катта йўлдан ўнгга бурилиб, яна тезлигини оширди. Манзилгача оз масофа қолган эди. Тўрахон ака портфели қатидан комитетга беришган шикоят хатини чиқариб, яна бир бошдан кўз югуртирди. Масала ойдин, ўзига таниш савдо. Лекин асосий гап уни қандай, қай тарика ҳал этишда. Штатсиз инспектор масаланинг ана шу томонини, ечимини ўйларди. Чуқур мулоҳаза билан иш юритиш яхши фазилат, бу унинг доимий одати. Унинг кўп йиллик ўз фаолияти даврида бартараф этган неча юзлаб нуқсон ва камчиликлар бунга ишончли кафолот.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



ВЕНГРИЯ. Дунай нефтни қайта ишлаш комбинати Совет-венгер ҳамкорлигида бунёд этилган. Ҳозирги вақтда бу ерда ишлаб чиқариш янада кенгайиб, комбинатнинг учинчи навбати қурилмоқда. МТИ—ТАСС фотоси.

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Тўрахон ака комитетдан чиққанида кун пешиндан оққан эди. Дарахт соясида таниш билан гаплашиб турган шофер йигит уни кўриб югуриб келди.

— Кетдикми?

— Кетдик,— деди Тўрахон ака ҳарбийчасига буйруқ бергандай.

Оқ «Волга» эскириброқ қолган бўлса-да, жойидан енгил қўзғалди. Дала йўлига чиқилганда болғина комитет раиси хонасида бўлган самимий маъруза эсига тушиб, қорамағиздан келган чеҳрасига илиқ табассум югурди...

— Тўрахон ака,—деди район халқ контроли комитетининг раиси Х. Ғ. Ғаффоров уни эшикдаёқ қизғин қарши оларкан,— айни пайтида келдингизда. Йўлингизга илҳақ бўлиб тургандим. Жуда соз иш бўлди. Қани марҳамат, юқорига, креслога ўтинг. Қулинг ўргилсин «95» дан дамлаганман, бир мириқиб чанқоқ босди қилайлик!

Бошлиқ табаррук отахонга чуқур ҳурмат, самимий мулозамат кўрсатди. Жонон пиёлада унга аччиқ кўк-чой қуйиб узатди, ора-чора басма-бас жиринглаётган телефонларга ҳам жавоб қилди. Сўнг бафуржа мақсадга кўчди.

— Яна сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Катта тажрибангиз бор. Мана шу шикоят тақдирини ҳал қилиб берасиз Қанчалик тез бўлса, шунча яхши. Умидимиз сиздан.

«Умидимиз сиздан...» — Бу бир оғиз сўз ҳамма мулозаматлардан ҳам унинг кўнглини тоғдек кўтариб юборганди. Ахир одамлардан раҳмат эшитиш, меҳнатингга муносиб баҳо беришларидан ҳам улуғроқ бахт борми кишига. Бу — аввалambор сенинг ҳаётда, жамиятда муносиб ўрнинг, эътиборинг борлигини, меҳнатинг эъзозга лойиқ эканини билдирмайдими?! Тўрахон ака йўл-йўлакай ана шулар ҳақида ўйлаб кетди.

Ҳаёт уни гўзал орзулар йўргагида ардоқлади, вояга

халқ контроли группаси мажлисида у ана шу ҳақда батафсил тўхталди, жиддий танқидий мулоҳаза билдирди.

Танқид аниқ мўлжалга теккан, айни вақти-соатида айтилган эди. Бу танқид эмас, жуда қимматли фикр, маслаҳат эди. Тўрахон ака-нинг мулоҳазаси маъмурият томонидан мамнуният билан қарши олинди. Тезда бу камчиликни йўқотиш чоратадбири кўрилди. Хўжаликда ёқилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланила бошланди. Ҳар бир машинага ёқилғи нормаси у бажарадиган ишга қараб белгиланадиган, лимитлаштириладиган бўлди. Бу эса, йилига 15 тоннадан зиёд ёқилғи-мойлаш материалларини тежаш имконини берди. Бу—жонли ташаббуснинг салмоқли мевасн эди.

...Машина катта йўлдан ўнгга бурилиб, яна тезлигини оширди. Манзилгача оз масофа қолган эди. Тўрахон ака портфели қатидан комитетга беришган шикоят хатини чиқариб, яна бир бошдан кўз югуртирди. Масала ойдин, ўзига таниш савдо. Лекин асосий гап уни қандай, қай тарика ҳал этишда. Штатсиз инспектор масаланинг ана шу томонини, ечимини ўйларди. Чуқур мулоҳаза билан иш юритиш яхши фазилат, бу унинг доимий одати. Унинг кўп йиллик ўз фаолияти даврида бартараф этган неча юзлаб нуқсон ва камчиликлар бунга ишончли кафолот.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

БОСИЛМАГАН МАТЕРИАЛЛАР ИЗИДАН

«НОМИ УЛУҒ — СУПРАСИ ҚУРУҚ»

Юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола газетада босилмасдан текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон КП Оржоникидзе район комитетига юборилган эди.

Яқинда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. Пўлатовдан жавоб хати олдик. Унда айтилишича мақола район партия комитети томонидан тузилган махсус комиссия томонидан текширилганда унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Текшириш натижалари эса район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинган.

Давлатга асаларичилик ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш планларини ва социалистик мажбуриятларни бажарилишини таъминламаганн ҳамда ҳисоб-китоб ишларида йўл қўйган жиддий нуқсонлар учун Тошкент асаларичилик совхозининг директори ўртоқ З. У. Таллибековга қаттиқ выговор эълон қилинган.

Совхоз коллективи ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни сусайтириб юборгани, совхоз маъмурияти ва коммунистлар фаолияти устидан етарли партия назорати ўрната олмагани учун совхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Исамўҳамедовга выговор берилган.

Шунингдек, бюро йиғилишида совхозда асаларичиликни ривожлантириш, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, ишчиларнинг уй-жой, маданий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланган.

СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

САНЪАТКОР МАСЪУЛИЯТИ

СЕКУ САКО,
Гвинея кинокорпорацияси нинг бош директори

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали. Тошкент-80

Ҳар бир кинофестиваль ҳаётимда катта воқеа бўлиб, мен учун чексиз қувонч келтиради ва унинг таассуротлари хотирамда узоқ вақт сақланади. Гап фақат кинони яхши кўришимизда эмас, албатта. Тошкентдаги кўрик биз — кинематографистларга янги-янги нарсаларни билиб олишимизга имконият яратади.

Ўтган Тошкент фестивали фильмларини ёдга келтириб фикр юритар эканмиз, уч қитъа мамлакатларининг энг яхши асарларида оддий кишиларнинг бахт ва адолат учун курашлари, орзу ва ташвишлари ифодаланганини кўриш мумкин.

Киноанжуманга меҳмон бўлиб келган ҳамкасб дўстларим — режиссёр, актёр, операторлар билан учрашиш ва суҳбатлашиш бизга фақат қувонч бахш этиб қолмай, профессионал маҳоратимизнинг ошишига, ҳамкорлигимизнинг мустаҳкамланишига ҳам катта ёрдам беради. Мен ҳозирча, келгусида қандай фильмда суратга тушишим ҳақида аниқ бир нарса айтолмайман, аммо фестиваль шиори—Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги ғоясига жавоб берадиган фильмда қатнашишни орзу қилардим.

Уч қитъа кинематографистларининг ижодий ишларига чин юракдан муваффақиятлар тилар эканман, Тошкент фестивалининг шиори ҳар бир санъаткорнинг юксак масъулияти ва вазифасини эслатиб турсин дейман.

ҲАР ЮРАКДА ҚИРҚ ЖАҲОН

Учар кўздин вале чиқмас кўнгилдин
(А. НАВОИЙ).

«ҲАР БИР саҳий калбда қирқ жаҳонни мунаввар айлагудек эзгулик бўлади...» Алломалар, курраи замин кезган жаҳонгашталар ана шундай деган эканлар. Бу нақлиётнинг юз бора тўғрилигига қуйидаги бир воқеа бизни яна бирроз ишонтирди.

... Шаҳри азим Тошкентнинг Хадра дарёсининг кок биқинида бир оила яшарди. Эл қатори у ҳам бахтиёр: мамнун ва масрур, маъмур ва мағрур, мағруб ва матлуб эди ўзича. Бошқача бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмас эди.

Ҳайҳот!.. Нотанти ҳаёт ўзича ҳукм чиқарди. Она ўнгланмас хасталикка чалинди. Ота иблиси лаин чиқди. Болалар саросимага тушишди... Умидбахш кунлар ҳа деганча келавермади. Неча бор шифохоналарда муолажа истаган волидан муҳтарама уйида узоқ ётиб қолди.

Шундай кунларнинг бирида тушдан кейин уни кўргани корхона директори келди. Ёқутхон опага кўзи тушган қасалнинг ётган ерида юзлари ёришиб кетди:

—Вой, келинг, опажон, келинг, бормисиз, келиб-кетганингизга ҳафта бўлмаса ҳам, барибир соғиниб қолдим, келай, соғ-саломат, чарчамай юрибсизми?..

— Мен-ку, яхшиман, пошшойим, ўзинг қалайсан, —деди одатига кўра директор мулойим ҳазилга кўчиб, — худо дард берди деб ётаверасанми, тур энди, дугоналаринг ҳам роса кутиб қолишди...

— Кошкийди-я, опажон, ўзимнинам жонимга тегиб кетди. Қандок ажойиб пайтлар эди ўртоқларим билан чақчақлашиб юрган кезларим... Оҳ, яна қайтиб келармикин ўша кунлар...

— Келади, албатта, келади!..

Улар қош қорайгунча сухбатлашиб ўтиришдилар. Фабриканинг бугунги аҳволи, иш шароитлари, қийинчиликлар, янги бино битгандаги одамларнинг севинчи, фабрика махсулотининг жаҳон бозорига чиққанлиги, ички дастгоҳлар-у, янги машиналар, кўҳна палаклар-у, юзғирги шоҳи сўзаналар... Қисқаси, гап кўлами кўп нарсаларга бориб такалди. Бир маҳал Мастура киприкларини юмганча жимиб қолди. Директор унинг чеҳрасига тикилди. Дафъатан сўлғин қобокларда икки томчи ёшни кўрди.

— Мастура, сенга нима бўлди, жоним?..

Йирик қора кўзлар яна чарақлаб очилди. Бемажол, қуриқшаган лабларидан оҳиста сўзлар эшитилди:

— Агар ўлиб қолсам, болаларимга оналик қиласизми?!

— Мастўр, нима деб алжираяпсан, тутуриқсиз гапларни иккинчи тилингга олма, ҳали отдек бўлиб кетасан, сен ҳам, болаларинг ҳам бағримизда бўласизлар, сизларга оналик қилиш коллектив учун ҳам фарз, ҳам қарз.

— Раҳмат, сизга, дунё тургунча туринг...

КОРХОНАДА нима кўп, югур-югур кўп. Директор узоқун тиним билмайди. Гоҳ райкомга мажлисга, гоҳ янги маҳсулотлар кўрғи, гоҳ бухгалтерия масаласи, гоҳ фабрика ишчиларини қабул қилиш...? Шу каби юришлар билан алаҳсиб директор уч кунгача Мастуранинг олдига бора олмади. Бориб келганлар эса «анча тузук» дейишарди.

Эртасига директор ишга барвақт келди. Бир оздан сўнг унинг олдига партия ташкилотининг секретари Маълума Самиғова ранги ўчган ҳолда кириб келди.

— Нима гап, тинчликми?

— Мастура опам вафот этдилар...

— А?..

Директор ўтирган ерида ташқари тикилиб қотиб қолди. Бир неча дақиқадан сўнг унинг лаблари пичирлади:

— О, адолатсиз табиат, наҳотки энди нигина қирқ беш баҳорни кўрган гулдек жувонни ҳазон айласанг...

Ёқутхон опанинг кўзларидан сизиб чиққан ёш марҳумларни бироз вақин босган юзларидан юмалаб, қовушган қўлларига томди.

... Илгор ишчи, билимдон контролёр, коммунист Мастура Баратовани сўнгги йўлга ёру биродарлари, қўни-қўшнилари, қамкасабалари кузатиб қўйдилар. Барча мақраларда маъмурият, партия ташкилоти, фабрика ишчилар комитети бош-қош бўлди. Баҳоли қудрат оилага ёрдам уюштириш, фарзандлар ҳолидан хабар олиш, кундалик озиқ-овқат масалалари, уйнинг туриш-турмуши, ҳаммаҳаммаси ҳеч кимнинг назаридан четда қолмади.

Ўша кунлардан эътиборан коллектив катта муаммога дуч келди. Ц-14, 17-уй, 35-квартирада ишовчи Мастуранинг тўрт фарзанди тўғрисида, уларнинг келажаги ҳақида жиддий бош қотирмок лозим эди. Бир куни директор партия ташкилотининг секретари, ишчилар комитетининг раиси, бригада бошликларидан 3—4 кишини ўз хонасига таклиф қилди ва ўртага болалар масаласини ташлади.

— Ишнинг мушкуллиги шундаки, — деди директор, — корақўзлар ҳали жуда ёш. Энг каттаси ўн учда, энг кичиги саккизда. Ҳаммамизнинг фарзандларимиз бор. Тажрибадан маълум, тарбия осон кўчмайди. Болалар билан астойдил, виждонан шуғулланишга тўғри келади, ўртоқлар. Маъмурият, партком, фабком, — булар, ўз йўлига. Биздан нимаики зарур бўлса, барига тайёрмиз. Сўзсиз тайёрмиз... Лекин болаларга оналик меҳри керак. Бу ишни Шафоат, сен бажарасан. Ҳам кўшни, ҳам касбдош, ҳам дугона, ҳам инсон сифатида бу иш сендан жоиз...

— Жоним билан, бош устига, тўрт боламни саккизта деб биламан. Уларга кўлимдан келганча оналик қиламан, инсондан азиз нима бор ахир! Хотиржам бўлинглар.

... ТЕЗДА болаларнинг ҳомийлари, паногоҳлари кўпайди. Шафоат Қорабоева ва унинг эри Ғешабой ака, Малика Ҳусанова ва Элбек Мусаев, Маълума Самиғова ва Аскар Самиғов... Кейинроқ Маъсуда Эгамбердиева. Улар бошка оила бошига тушган оғир мусибат тақозоси билан кўп йиллар мурувват тариқатининг заҳматкашлари бўлиб қоладилар.

Буларнинг ўз уйлари, ўз оилалари, ўз болалари, ўз ташвишлари йўкмиди?! Бор эди. Лекин қўш қадар муаззам қалб соҳиблари савобот ва саҳоват, ҳиммат ва ҳамиятдан ўзларини четга олмадилар. Тўғрироғи, ололмадилар.

Кимлар эди бу одамлар?!

Танишинг. Уларнинг бири Шафоат Қорабоева. Пойтахтимиздаги бадиий буюмлар фабрикаси илғор бригадасининг бошлиғи. Тўрт фарзанднинг онаси. Ажойиб, дилбар, муниса аёл. Унинг эри Ғешабой Қорабоев эса парранда фабрикасининг оддий ишчиси. Суяги меҳнатда қотган камтар бир инсон.

Малика Ҳусаннова. Бобораҳот оиланинг қизи. Ака-укаларга бағри бутун. Онаси узоқ Қашқадарёнинг Камаши шаҳрида истиқомат қилади. Тўхтахон аянинг рисоладаги тарбияси Маликахонни мана шундай фидойиликка даъват этган бўлса, ажаб эмас.

Элбек туғилиб ўсган оиланинг ҳам бир умр боши беназир яхшиликлардан чиққан эмас. Унталаб, йигирматалаб студентлар доимий равишда Мусо амаки билан Хожинисо аяларнинг қўлларидан туз-насиба еганлар. «Оний роҳат деб тавил эзгуликдан кечмаслик керак, болам!». Онанинг бу сўзлари Элбек қулоқлари остида ҳамон жаранглайди.

Аскар Самиғов. Тошкент Политехника институтининг домласи. Маҳалла комитетининг раиси. Куйди-пишди. Икки ўқувчининг отаси. Мактабдаги тарбия ишларининг мутаассиси. Маълумахон — унинг рафиқаси, Бадиий буюмлар фабрикасида инженер. Собиқ партком секретари. Ҳозир фабком раиси.

Бошқалар ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин.

...ДУНЁ ҳузур-ҳаловати фарзанд билан. Бироқ, у балоғатга етгунча унча-мунча одамни адо қилади, дейди эскилар. Машхура, Маъмура, Равшан, Марғубаларнинг камолоти ҳам енгил кўчмади. Бедор ўтказилган тунлар, қаро терга тушиб югуришлар, қанча-қанча асаб торлари, алағда кўнгиллар, беҳудуд риёзият, ҳақиқат роҳи, ҳаромдан парҳез, доимий побарлик, кези келганда тутдек тўкилиш, мутлақо зорланмаслик, кўз илғамас мукаббир ишлар ётади бу тарбия деганимизнинг замирида. Одамийлик риштасини созламок ҳеч қачон осон бўлган эмас. Ҳеч қачон!..

— Менинг олдимда ўта масъулиятли вазифалар турарди,—дейди Шафоат Қорабоева ўтган даврларни эслаб, — аввало оғзаки, кейинчалик расмий равишда оналик ҳуқуқини олганимдан сўнг, айниқса, кўп ўйлашга, ҳар бир қадамни ўлчаб босишга тўғри келди. Ҳаётдаги маҳрамларидан айрилган дилшикаста болаларнинг кўнглига йўл топиш жуда амри-маҳол экан.

Даставвал оналик меҳрини қозонишим лозим эди. Акс ҳолда меҳнатларим зое кетиши турган гап эди.

Тарбия менга онамдан маҳримерос бўлса ҳам, болаларни айтганимга кўндиролмай хуфёна йиғлаган пайтларим кўп бўлди. Буровга олай, жазолай десам ҳеч юрагим доа бермасди. Кўпинча ҳар бирининг дилини топиб, ялпизлаб сўзлашга ҳаракат қилардим. Эзилиб, афсус чеккан пайтларим ҳам бўлган. Бора-бора улар меҳримнинг сохта эмаслигига ишона бошлашди, мени тан олишаётганини сезиб қолдим. Энди ликда ҳамма гапни бақамти, бир-биримизга ҳаддимиз сиғиб гаплашаверамиз...

— Шу ишлардан чўчиган дақиқаларингиз бўлганми?

— Бўлган... Тўрт боланинг тарбиясини эплолмай эл-юрт олдида ҳижолат бўлиб қолмасам, деган андиша баъзан юрагимни увиштириб қўярди.

— Энг қувончли дамларингизни эслай оласизми!

— Ҳа... Кенжатой ва ёқимтой Марғуба биринчи бор мени ажойиб бир ширин оҳангда «Ойижон» деб чақирганда кўзларимга ёш келган.

— Болалар ҳозир қандай?

— Орадан машаққатли тўрт йил ўтиб кетди... Минг шукурким, улар энди ёрқанот бўлиб қолишди. Машҳура Тошкент чинни заводида ишлаяпти. Элбек ака жойлаштириб юйди. Маъмура ўзимизда. Бадиий буюмлар фабрикасида, чевар. Иккови ҳам кечки ишчи-ёшлар мактабининг толибалари. Равшан ва Марғуба ўрта мактабда. Яхши баҳолар билан ўқишяпти.

...МАН, бадиий буюмлар фабрикасининг ҳашаматли бинои. Ичкари кирамиз. Излаб, Маъмуранинг устози, бригада бошлиғи Маъсуда Эгамбердиевани топдик. У шундай деди:

— Ўтган йил бошларида дўппи цехига дуваракқина бир янги шогирд келди. Билсам ўз дугонамизнинг фарзанди экан. Юрагим ҳаприқиб кетди. Кўзимга Мастура опам кўрингандай, кейин «Маъсудахон, бу менинг болам-а, билиб қўй», дегандай туюлди... Кўзларим намланди. Сухбатлашдик. Алкисса у, чоргул дўпписини тикишга ахд қилди. Дастлаб духоба ўрнига сатин, ипак ўрмага ип бердик. Бир кун ангишвонани тақишни, эртаси игна билан ангишвонани мутаносиб ишлатиш усулларини ўргатдим. Бир ҳафта гул ясашга кетди. Сўнг нусхага қараб дўппи тиқа бошлади. Икки ой деганда апакага келди. Илгари икки-уч ой ичида беш-ўнта дўппи тиксе, ҳозир бир ойда 40—45 та сифатли маҳсулот бераяпти. Цехимиздагилар Маъмура билан фахрланишади...

Ана узун йўлакда Маъмуранинг ўзи ҳам кўринди. У якин келиб назокат билан салом берди.

— Ишларинг қандай, қизим? — деди директор Ёқут Акбаровна унинг бошларини силаб.

— Раҳмат, ҳаммангизга раҳмат. Онамнинг чироқлари ўчмади. Излари унут бўлмади. Шафоатхон аямлар — иккинчи онамиз...

...ҲА, қандай сарсарак ҳиссиёт!.. Эзгулик! Саховат!.. Булар — совет кишиларининг ҳақиқий руҳафзолигини, дони-диловарлигини, ҳожатбаторлигини, чинакам инсонларнинг жонкашталигини, маҳирўй оналаримиз бахрадорлигини, оқибатпарварлигини кўрсатувчи фазилатлар... Яхшиликка ноил бўлишликдан, ҳаётда одамийликни дарж қилишликдан ҳам зиёдроқ бахт бўлмаса керак бу дунёда... Замондошларимизнинг юқорида зикр этилган мумтоз ишлари фикримиз далили, одамлар ўртасидаги чинакам меҳр-оқибатнинг ажиб рамзи эмасми?

Таъзим Сизларга, қалби қуёшлар!..

Раҳим УМАРИЙ,
Зариф МУҲАММАДЖОН.

ОҚИБАТ

СПОРТ

ИККИ ПЕШҚАДАМ

Кеча «Торпедо» — «Кубань» учрашуви билан мамлакат футбол чемпионатининг тўқкизинчи турнига якун ясалди. Ўйинларнинг аксарияти эса бир кун аввал бўлиб ўтди. Турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган пойтахт спартакчилари Ленинградда маҳаллий «Зенит» командасига қарши майдонга тушиб, учрашувни 1:1 ҳисобида якунладилар. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Тбилисининг «Динамо» командаси ҳам учрашувни сафарда — Львов шаҳрида «Карпати» командаси билан ўтказди. Бу матчда 1:2 ҳисобни билан меҳмонларнинг қўли баланд келди. ЦСКА — «Динамо» (Москва) баҳсида 0:0, СКА — «Арарат» учрашувида 2:1, «Шахтёр» — «Қайрат» матчида 0:1, «Динамо» (Киев) — «Нефтчи» учрашувида 2:0 ҳисоби қайд қилинди.

Пахтакорчилар бу сафар Одесса шаҳрида маҳаллий «Черноморец» футболчилари билан куч синашдилар. Майдон эгалари ўйинининг 26 ва 29-минутларида пахтакорчилар дарвозасига икки тўп киритишди. Ана шу тўплар ўйин тақдирини ҳал қилди.

Ҳозир турнир жадвалида 13 тадан очко тўплаган «Спартак» ва «Динамо» (Тбилиси) командалари карвонбошилик қилишмоқда.

ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК

Чим устида хоккей бўйича СССР аёллар терма командаси ГДР сафаридан қайтди. Улар бу ерда тўрт учрашув ўтказдилар. ГДР миллий командаси билан ўтказилган икки матчда 2:1, 0:1 ҳисоби қайд қилинди. Қизларимиз мамлакат ёшлар терма командасини 7:1, Берлин шаҳри терма командасини эса 12:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. СССР терма командаси составида мамлакатимиз спорт шарафини тўрт вакилимиз — андижонлик Горбаткова, Заздравних, Хам ва Ахмеровалар ҳимоя қилишди.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 30 май куни ўтказилади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ — ТЕЛЕВИЗОРЛАРГА АБОНЕМЕНТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Абонемент хизмати кўрсатишга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва 10 йилдан ортиқ ишлатилмаган, кинескопи ишга яроқли телевизорлар қабул қилинади.

Телевизорларга абонемент хизмати кўрсатиш учун район телевизион ателъесида ёки радио механикни уйга чақириш йўли билан шартномэ тузиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕ ЎЗ ЗИММАСИГА ҚУЙИДАГИ КАФОЛОТЛАРНИ ОЛАДИ:

— биринчи галда бепул техника хизмати кўрсатиш ва бузилган тақдирда барча бузуқ деталлар ва узелларни алмаштириш билан телевизорни ремонт қилиб бериш (кинескопни алмаштириш ҳам шу ҳисобда);

— телевизор эгалари билан келишилган муддатларда бепул профилактик кўрикдан ўтказиш, телевизор узелларини созлаш ва тозалаш (камида йилда 2 мартаба);

— телеателье транспортида телевизорни бепул стационар устахонага олиб бориш ва уни қайта уйга элтиб бериш.

Телевизорни ремонт қилиш зарурати ҳаққидаги буюртма биринчи галда буюм эгаси билан келишилиб белгиланган муддатда кун ва соатда бажарилиб берилади.

АБОНЕМЕНТ ҚИИМАТИ:

Оқ-қора тасвирдаги телевизорларга кинескопининг ҳажмига қараб бир йилга 8 сўмдан 12 сўмгача, рангли тасвирдаги телевизорларга—66 сўм.

Абонементга эга бўлиш билан сиз фақат ҳарқандай бепул ва навбатсиз ремонтгагина эмас, балки неталган бузуқ деталли алмаштириш, кинескоп ҳам шу ҳисобда, бепул транспорт хизмати кўрсатилиши ҳуқуқини қўлга киритасиз.

Бу эълонни яна бир бор диққат билан ўқиб чиқинг, оила даврасида маслаҳатлашиб кўринг ва телевизорларингизга абонемент хизмат кўрсатилиши учун биз билан дадил шартнома тузинг.

АБОНЕМЕНТ ХИЗМАТИ ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ФОЙДАЛИ!

Абонемент — бу хизмат кўрсатишнинг замонавий формаси бўлиб, телевизорингиз бенуқсон ва узлуксиз ишлаши гаровидир, у телевизордан узоқ муддат фойдаланишга имкон беради!

ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Чилонзор район ателъеси (Чилонзор ва Акмал Икромов районларига хизмат қилади)—оқ-қора ва рангли телевизорларни ремонт қилади. Пионер кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 77-10-73, 77-27-05, 77-65-57.

Ленин район ателъеси (Ленин ва Фрунзе районларига хизмат қилади) — фақат оқ-қора тасвирли телевизорларни ремонт қилади. Кафанов кўчаси, 65-уй (Госпиталь бозори қаршисида). Телефон: 56-68-75.

Рангли тасвирли телевизорларни ремонт қилишга ихтисослашган «Цвет» телеателъеси (Фрунзе, Ленин, Ҳамза ва Сергели районларига хизмат кўрсатади) — Б. Хмельницкий кўчаси, 40 «а»-уй. Телефонлар: 53-36-71, 53-40-82.

Октябрь район ателъеси—оқ-қора ва рангли тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Навоий кўчаси, 16-уй. Телефонлар: 41-54-23, 41-59-81, 41-58-81.

Куйбишев райони ателъеси — оқ-қора ва рангли тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Новомосковская кўчаси, 31 «а»-уй. Телефонлар: 35-34-10, 35-08-07.

Киров район ателъеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Энгельс кўчаси, 98-уй. Телефон: 35-08-51.

Рангли телевизорлар ремонти — Юнусобод массиви, В-4, Аҳмад Дониш кўчаси, 8-уй. Телефон: 24-95-77.

Ҳамза район ателъеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Лисунов кўчаси, 17-уй. Телефон: 96-28-71

Собир Раҳимов район ателъеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади — 1/1-Қорақамиш массиви (Маиший хизмат уйи). Телефон: 48-54-57.

Рангли тасвирли телевизор ремонти — 1/2-Қорақамиш массиви (Маиший хизмат уйи).

Сергели район ателъеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Спутник шаҳарчаси, 9-квартал (Маиший хизмат уйи). Телефон: 53-85-88.

Рангли тасвирли телевизорлар ремонт қилинади — Спутник шаҳарчаси, 7-квартал (Маиший хизмат уйи).

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ
БАЗАСИДАГИ
149-шаҳар ҳунар-техника билим юрти
1980—81 ўқув йили учун
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-мотористка, бичиқчи (чарм пойафзаллар ишлаб чиқариш бўйича), **техника контроли бўлими контролёри, пойафзал бошлиғини тайёрловчи, тикув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, якка пойафзаллар тикиш бўйича пойафзалчи.**

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун бир йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 2 йил.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юрти қошида вокаль-чолғу, бичиш ва тикиш, тўқиш, кино-фото тўгараклари ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 84-автобус нинг «Домбробод» массиви» бекати), метронинг «Собир Раҳимов» станцияси, Телефон 76-77-45).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«КРАЗ-256», «МАЗ-503» маркали автомашиналарда ишлаш учун 1, 2, 3-класс шофёрлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.
Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, Лихачёв кўчаси, 2-уй (106-автобуснинг «9-автобаза», 7, 15, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ» бекатлари).

ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Республика территориясида шаҳарлараро телефон алоқаси кабели ётқизилган ва ишлаб турибди. Ана шу кабелларга шикаст етказилиши телевидение эшиттиришларининг тўхтаб қолишига, телефон орқали сўзлашувнинг бузилишига, телеграммаларни етказиб бериш секинлашувига олиб келади.

Алоқа кабелларининг шикастланиши мамлакатимиз аҳолиси манфаатларига ва умуман давлатга ҳам зарар етказади.

Совет ҳукуматининг қарори билан алоқа кабели учун 4 метр кенгликда муҳофаза зонаси белгиланган. Кабелларнинг муҳофаза зонасида ана шу кабеллардан фойдаланувчи корхонанинг ёзма равишдаги розилигисиз ҳар қандай кўринишдаги ер қазув ишлари ўтказиш,шунингдек дарахт ўтказиш, омборлар қуриш, транспорт бекатлари ва бошқалар қуриш қатъиян ман этилади.



МУҲОФАЗА ЗОНАСИ

Аҳоли пунктларидан ташқаридаги шаҳарлараро алоқа кабеллари устунчалар ва огоҳлантириш белгилари билан бирдирилади. Муҳофазадаги кабель зонасида ер қазиш ишларини амалга ошириш вақтида бу белгилардаги адрес ва телефон номерига қараб, тегишли ташкилотга мурожаат қилиш мумкин.

Ўзбекистон ССР шаҳарларида ер қазиш ишларини амалга оширишга фақатгина халқ депутатлари Советларининг архитектура бўлимлари ёки коммунал хўжаликлари томонидан берилган ордер орқали руҳсат этилади.

Алоқа кабеллари ўтган жойларда ер қазиш, тупроқ текислаш, суғориш системалари ўрнатиш ишлари берухсат, ғайри қонуний равишда амалга оширилишига йўл қўйилмасин.

ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗГАНЛАР ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН ЖАЗОЛАНАДИЛАР.

Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горничлар, қаердасиз! 16.30 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси. 11.35 — Рус халқ чолғу ансамблининг концерти. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — А. Толстой. Никитанинг болалиги. 17.00 —Ҳунар-техника билим юртларида нималар ва қандай қилиб ўргатишади. 17.30 —Шахмат мактаби. 18.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 18.30 —Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.40 — Фан оламида. 20.15 —СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди. 20.25 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси. 21.30 — Время. 22.05 — «Музыкальная жизнь» журнали. Журнал тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Қувноқ одамчалар клуби. 1-фильм. 11.25 —Санъат гунчалари. 13.00 — Ўзбекистон пионерларининг йўлланмаси. 13.30 — Чили узра тун. Бадиий фильм. 18.05—Ёшлик. 18.35 — Турмуш ва маданият. 19.05 — Ахборот. 19.20 —Ҳужжатли фильм. 19.30 — Оснё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI халқаро кинофестивали. 20.30 — Ахборот. 20.50—Туркманистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Абу Райҳон Беруний. Бадиий фильм. 2-серия.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Қизиқувчилар экрани. 20.55— Она тили. 21.25 — Ёшлик. 21.35 — Ўқитувчилар учун консультация. 22.05 — Альбомнинг жонли саҳифалари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/V да Қизил лайлоддаги кўк тулпорлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/V да Чоллар ва кампирлар, 30/V да Олтин камар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ» фантастик-саргузаштли аттракционининг гастроллари (19.30).

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети амалий математика ва механика факультети коллективи умумий математика кафедрасининг катта ўқитувчиси Б. Назаровга отаси

Назар НУРКАШОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Р. 02028. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1615.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325643; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳар бий ватанпарварлик —325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.